КПСС XXVI СЪЕЗДИ КАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 155 (7645). ● 13 август, 1981 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОРЛАР БУЮРТМАСИ— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Тошкент машинасозлари қардош Озарбайжон пахтакорларининг буюртмасини муддатидан олдин бажардилар. «Ташсельмаш» заводи пахта йиғим-терими бошланишидан бир ой барвақт Бокуга 834 та пахта териш комбайни жўнатди. Бутун шу йил давомида планда ўшанча пахта териш машинасини етказиб бериш кўзда тутилган эди. Туркманистон ва Тожикистонга ҳам пахта териш техникасини жўнатиш графикда белгиланганидан барвақт олиб борилмоқда.

Ўзбекистон хўжаликларида машина парки пахта йиғим-терими олдидан анча кўпаяди. Республика пахтакорлари ҳозирдаёқ 14ХВ-2-4А маркали 2264 та комбайн олдилар. Ҳозирги вақтда «Ташсельмаш» конвейеридан пахта подборщиклари ва терилган пахтани тозалайдиган асбоблар билан жиҳозланган ХНП-1,8 маркали кучли агрегатлар тушмоқда. Колхоз ва совхозлар қарийб икки ярим минута ана шундай агрегат олади. Бундай машиналар биринчи навбатда Жиззах ва Сирдарё кўриқ областларидаги хўжаликларга жўнатилади.

Завод конвейеридан ҳар ҳафтада пландан ташқари битта комбайн чиқиб турибди. Ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиниши, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақа кенг авж олдирилганлиги натижасида ана шундай суръатга эришилди. Бу йил «Ташсельмаш» машинасозлари 1980 йилга нисбатан беш юзта кўп машина тайёрлаб чиқаришни режалаштирмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ПАРВАРИШНИ СУСАЙТИРМАНГ

ОЗАРБАЙЖОНЛИК МУСОБАҚАДОШЛАР ҒАЛАБА РАЙОНИДА

Далаларни айланиб, пахтакорларнинг шу кунлардаги ишлари билан танишган озарбайжонлик меҳмонлар мўл ҳосил тўпланаётганлигини кўриб мамнун бўлдилар.

Улар, айниқса, «Победа» колхози пахтакорларининг иши билан батафсил қизиқдилар. Шу колхознинг ўртоқ Павел Васильевич Дё бригадасида ҳар туп ғўзада 14—15 тадан кўсак бор. Пахтазорда меҳнат авжида. Деҳқонлар августнинг ҳар куни, ҳар соатидан унумли фойдаланиб, ҳосилга-ҳосил қўшишни давом эттирмоқдалар. Сувчи ва механизатор ҳамкорлиги ажойиб натижалар бераётир.

— Яхши меҳнат қилибсизлар,— дейди Зардоби районидаги «Зардоби» колхоз бригадири, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган механизатор Ибод Аҳмедович Аҳадов.— Бундан буён парваришни янада кучайтириб, йиғим-теримга тайёргарликни ҳам унутманглар. Шу куни бригадир Павел Дё ўз зиммасига янги мажбурият олди. Ҳар гектаридан 55 ўринга 60 центнердан ҳосил етиштиришга сўз берди.

Хўжалик бўйича эса 50 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

Ғалаба райони областимизнинг юқори ҳосилли, кўп тармоқли районларидан ҳисобланади. Ўтган йили ҳар гектаридан 41 центнердан ҳосил олинган эди. Бу йил эса 43 центнерлик марра учун кураш бораяпти.

Меҳмонлар қайси бир колхоз ва совхозда бўлишмасин, ҳамма ерда ана шу юксак мажбуриятга яраша иш олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдилар.

Мана, Энгельс номли колхознинг далалари. Ғўза туплари белга уриб қолган. Гуж-гуж кўсак, гул ва шоналар.

— Август ойи учун алоҳида тадбирлар белгилаб чиқдик,— деб ўз режалари ҳақида сўзлаб берди шу колхознинг 50 центнерчи бригада бошлиғи Дагир Ужи,— бу тадбирларда ғўза парваришини табақалаштирилган ҳолда ўтказиб, ҳар бир картада мўл ҳосил тўплашга асосий эътибор берилган. Бу ойда машина теримига тайёргарлик ҳам ниҳоясига етказилади.

Киров номли колхозда Зулфихор Адашбоев, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида Карим Худойбердиев, Свердлов номли колхозда Карим Аширқулов сингари ўртоқларнинг далаларида бўлган меҳмонлар ўзаро тажриба алмашдилар, бахслашдилар.

— Биз,— дейди Озарбайжон ССР НИИМЭСХ механизация бўлимининг бошлиғи Г. Г. Охундов.— айниқса, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози деҳқонлари олиб бораётган ишлардан мамнун бўлдик. Бу ерда техникадан унумли фойдаланиляпти. Гектарларнинг самарадорлиги ошиб бораётир. Ҳар бир қарич ер ҳисобда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Энвер Алиев ва Аб. дусаттор Сулаймонов сингари донгдор механизаторларнинг маҳоратига қойил қолдик. Бу ўртоқлар бошлиқ звеноларда асосан механизациядан фойдаланяпти. Шунинг учун ҳам йилдан йилга мўл ва арзон ҳосил етиштирилаётир. Биз улардан кўпгина ибратли тажрибаларни ўргандик. Бу тажрибани ўзимизнинг юртимизга бориб қўллаганамиз.

Меҳмонлар районда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, хусусан, чорвачиликни ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ишлар билан ҳам танишдилар. Уларда ем-хашак тайёрлаш соҳасида кўрилаётган тадбирлар ва бу тадбирларнинг амалга оширилиши яхши таассурот қолдирди.

Озарбайжонлик мусобақадошлар Ғалаба райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари эришаётган ютуқларни кўрсатиш билан бирга айрим камчиликлар борлигини ҳам рўй-рост айтиб ўтдилар. Қимматли маслаҳатлар бердилар. Август ойининг охиригача ғўзани культивация қилиш ва суғоришни сусайтирмасдан давом эттириш лозим. Баъзи бир карталарда эса бу ишни дефолиация бошлангунга қадар тўхтатмаслик керак.

Шу куни мусобақадошлар Оққўрғон райони колхоз ва совхозларида ҳам бўлдилар.

ОТАЛИҚ ЁРДАМИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

ОБЛАСТЬ шаҳарлари саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва бошқа ташкилотлари 1981 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларини бажара бориб, шу йилнинг биринчи ярмида колхоз-совхозларга оталиқ ёрдами кўрсатиш борасида анча иш қилдилар. Оталиқ қилувчи корхона ва ташкилотларнинг коллективлари чорвачилик фермалари, ёзлик майдонлар қуриш ва ремонт қилишда, уларни механизациялаштириш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш ҳамда озуқа цехларини жиҳозлашда катта амалий ёрдам кўрсатдилар.

Экиш мавсуми даврида қишлоқ хўжалик техникаларини ремонт қилишда кўмаклашилиб, ўз корхоналарида тайёрланган механизм ва эҳтиёт қисмларни мунтазам юбориб турдилар. Бундан ташқари область шаҳарлари корхоналари ва ташкилотлари суғориш шахобчалари, дала шийпонлари, турар-жой бинолари, болалар муассасалари, клублар, мактаб ва бошқа объектларни қуришда ва ремонт қилишда ҳам салмоқли ёрдам кўрсатдилар. Йил бошидан бери кўрсатилган оталиқ ёрдами 3 миллион сўмга етди.

Ангрен шаҳри меҳнаткашлари биринчи ярим йилликда оталиқдаги Бўка районида тўртта молхонани реконструкция қилдилар, 8 та дала шийпони ремонтдан чиқарилди. Қишлоқ хўжалик техникаси сақланадиган иккита майдон барпо этилди. 32 минг сўмлик қурилиш материаллари ва механика устаханолари учун станок ҳамда бошқа жиҳозлар ажратилди. Шунингдек, 41 минг сўмликдан кўпроқ бошқа ёрдам кўрсатилди.

Олмалиқ ва Бекобод шаҳарлари меҳнат коллективлари ҳам оталиқ ёрдами юзасидан тузилган шартномани бажаришда юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети **Ангрен шаҳри** корхоналари ва ташкилотлари коллективларини 1981 йилнинг биринчи ярмида колхоз-совхозларга оталиқ ёрдами бериш юзасидан ўтказилган социалистик мусобақанинг ғолиби, деб топдилар (шаҳар партия комитети секретари М. М. Орифжонов, шаҳар ижроия комитети раиси Д. К. Бабкин). Бу шаҳар корхона ва ташкилотлари коллективларининг раҳбарларига 1981 йилнинг иккинчи ярим йиллигида колхоз ва совхозларга оталиқ ёрдамини кучайтириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилди.

Оталиқ ёрдамини уюштиришда яхши натижага эришганлиги ва актив иш олиб борганлиги учун қуйидаги коллективлар область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотландилар:

Ангрен керамика комбинати;

Ангрен шаҳридаги 7-автобаза;

Ангрен шаҳридаги Олмалиқ норуда материаллар карьери;

Олмалиқ химия заводи;

«Алмаликсвинцстрой» трести;

Бекобод темирйўл ва автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Бекобод металлургия комбинати;

«Бекабадцемремонт» корхонаси;

Янгийўл биохимия заводи;

Чирчиқ трансформатор заводи.

Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ва касаба союз ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарларига 1981 йилнинг иккинчи ярим йиллигида колхоз ва совхозларга оталиқ ёрдамини кучайтириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз механизаторлари ва сувчилари август ойида ҳосилга ҳосил қўшиш учун ўзаро меҳнат беллашувини қизғин давом эттираётирлар. Сувчилар ўртасидаги мусобақада М. Зондов пешқадамлик қилаётир. У ишлаётган 4-бригада коллективи бу йил 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан хирмон кўтаришга ваъда қилган.

А. Абалян фотоси.

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Красний водопад» таянч-тажриба хўжалиги коллективи ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив иштирок этиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритди. Бўрдоқибоқарлар пландаги 192 тонна ўрнига 249 тонна гўшт етиштириб, йиллик планни муддатидан илгари адо этдилар.

Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 526 килограммни ташкил этди.

Шунингдек, райондаги «Коммунист» колхози бўрдоқибоқарлари ҳам йиллик планни бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Давлатга 74 тонна гўшт топширилди. Улар йил охиригача яна 47 тонна гўшт етиштириш мажбуриятини олдилар.

Қ. ИЎЛДОШЕВ.

БИР КУНИ ҚИСҚА САТРЛАРДА

◆ БУСТОНЛИҚ районидаги К. Маркс номли колхоз далаларида сабзавот экинлари ғарқ пишиб етилмоқда. Айниқса, помидор ҳосили жуда мўл. Шундай долзарб паллада колхоз правленеси аъзолари ва идора хизматчиларн катта химмат кўрсатишмоқда. Улар ҳар куни далаларга чиқишиб, ҳосилни йиғиб-териб олишда деҳқонларга кўмаклашмоқдалар.

А. ИБРОҲИМОВ.

◆ ЧИНОЗ районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози пахтакорлари зарбдор меҳнат вахтасини қизғин давом эттиришяпти. Хўжаликда 72 сувчи тунукун ғўзаларга оби-ҳаёт тараш билан банд. Саттор Абдужабборов, Исмат Ҳасанов, Анатолий Шак сингари тажрибали сувчилар ўзларига бириктирилган участкаларни учинчи сувдан чиқардилар.

Х. САИДАЛИЕВ.

БАЛЛИ, АЗАМАТЛАР!

Калинин районидаги «Москва» совхозидан Турсунбой Олимжонов билан Ҳаким Хошимов бригадаси мўл картошка ҳосили йиғиштириб олди. Ҳар гектар ердан пландаги 120 центнер ўрнига 180—190 центнердан картошка олинди. Экиллар катта-катта майдонларга экилаётганлиги, механизация ишлари юксак даражага кўтарилганлиги муваффақиятни таъминлади.

Совхоз коллективи давлатга картошка сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини бажарди.

(ЎзТАГ).

БРИГАДА ПУДРАТИГА КЕНГ ЙЎЛ

ОБЛАСТИМИЗДАГИ кўнинг биринчи ярм топшириқлов номли Тошкент авиация

ишлаб чиқариш бирлашмаси, В. И. Ленин номли Бекобод

ижроия комитети, область

формасини жорий этиш ишн

ИШЧИНИНГ ИЖОДИЙ ТАКЛИФЛАРИ

Ангрендаги резина-техника заводининг машинисти Абдугани Эркабоев корхонага келганига 7 йил бўлди. Шу ўтган вақт ичида у ўз маҳоратини ошира борди, изланди, тажрибали, кекса ишчилардан бу касбнинг нозик томонларини қунт билан ўрганди. Бугунги кунда у коллективнинг энг донгдор кишиларидан бири. Социалистик мусобақада доимо олдинги сафда боради.

Республикамизнинг 15 ишлаб чиқариш илғори бир беш йилликда икки беш йилликни бажариш ташаббусини бошлаб берганда А. Эркабоев заводда биринчилар қаторида бу ҳаракатга қўшилди. Илғор машинист ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, ҳали ишга солинмаган резервлар бор эканлигига ишонч ҳосил қилди.

1980 йилда ҳам А. Эркабоев зиммасига юксак социалистик мажбурият қабул қилиб, икки йиллик нормани бажарди. Бундан ташқари, у киритган рационализаторлик таклифларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши бир йилда 3342 сўм иқтисодий самара берди. Қисқа вақт ичида беш шогирд тарбиялади. Ҳозирги кунда эса А. Эркабоев шу йилнинг декабрь ойи ҳисобига меҳнат қилаяпти.

М. ЗАРИПОВ.

НАЗОРАТЧИЛАР, ЯНАДА АКТИВ БЎЛИНГ!

Тошкент область халқ контроли комитетида район ва шаҳар халқ контроли комитетлари раисларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашни область халқ контроли комитети раиси Б. С. Камолов очди.

Кенгашда нон ва нон маҳсулотларини тежаб-тергаб сарфлаш устидан назоратни янада кучайтириш соҳасидаги вазифалар кўриб чиқилди. Бу ҳақда республика халқ контроли комитети савдо, коммунал ва маиший хизмат бўлими мудири А. А. Абдурашидов ахборот берди.

Область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари А. Х. Путтиев КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг хомашё, иссиқлик-энергетика ва бошқа моддий ресурсларни иқтисод қилиш ҳамда улардан рационал фойдаланиш ҳақидаги қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан ахборот берди. Область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари В. Ф. Шек эса КПСС Марказий Комитети, СССР халқ контроли комитетининг назоратнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш юзасидан кўрсатмалари қандай бажарилаётганлиги ҳақида ахборот берди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси Н. М. Маҳмудов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов иштирок этди.

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАР ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛСИН!

АНДИЖОН—ТЎҚИМАЧИЛАР ЎЛКАСИ

АНДИЖОН, 12 август. (ЎзТАГ мухбири **У. Саксонбоев**). Бугун Андижон тўқимачилик комбинатининг бирданига икки филиали фойдаланишга топширилди. Бу филиалларнинг ҳар бири йил сайин ҳаридоргир моллар — 20 миллион метр ип газлама ишлаб чиқарадиган бўлади.

Икки корхона ҳам район марказларида — Кўрғонтепа ва Марқаматда қурилди. Бу корхоналарнинг ҳар бирида 570 тадан кўпроқ мокисиз замонавий тўқув станоклари ўрнатилган бўлиб, буларда юзлаб қишлоқ меҳнаткашлари икки смена ишлайдиган бўлади. Улар бош корхонада, Тошкент ва Ленинград тўқимачилик комбинатларининг цехларида ишлаб чиқариш таълими олдилар ва стажировкадан ўтдилар.

Марҳаматдаги филиални «Андижаирсноой» трестининг механизациялашган кўчма колоннаси, Кўрғонтепадаги филиални эса «Андижангидрострой» трестининг 5-механизациялашган колоннаси қурди. Ҳар икки коллектив ҳам топшириқни зарбдорларча бажарди: тўқимачилик корхоналари қурилиш бошлангандан кейин ўн ой ўтган ишга туширилди, яъни нормативда белгиланган муддатдан бир йил аввал фойдаланишга топширилди.

Мамлакатнинг энг йирик пахтачилик ўлкаси бўлган Андижон области эндиликда тўқимачилар ўлкасига ҳам айланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Избоскан, Пахтаобод ва Балиқчи районларида калава ип ва нотўқима материаллар ишлаб чиқарадиган яна учта филиални қуриш ниҳоясига етай деб қолди. Бу филиалар яқин ҳафта ичида маҳсулот бера бошлайди. Кўрғонтепадаги ишлаб турган тўқув цехи билан ёнма-ён эса 12 минг ишчига мўлжалланган йигирув фабрикаси қурила бошланди.

Бутун ана шу тўқимачилик комплекси Фарғона водийси сингари аҳоли зич жойлашган регионда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини беради.

Андижонлик тўқимачилар қурувчилардан комбинат филиалларини қабул қилиб ола туриб, КПСС XXVI съезди енгил саноат ходимлари олдига қўйган ҳамда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «1981—1985 йилларда энг зарур моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва аҳолининг шу моллар билан эҳтиёжини тўлароқ қондиришга доир тадбирлар тўғрисида» ҳамда «1981—1985 йилларда ҳаридоргир моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва хилини яхшилаш тадбирлари ҳақида» деган қарорларида кўрсатиб ўтилган вазифаларни шараф билан бажаришга қатъий аҳд қилганликларини айтдилар.

ИШЧИ САОДАТИ

КОММУНИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Муҳаммаджон янги ишга келганда корхонада унинг касбига эҳтиёж катта эди. Завод эндигина оёққа тураётган, ишчи кучи етишмай турган пайтлар эмасми, конвейерни бир маромда юритиш маълум қийинчиликларни келтириб чиқарарди. Муҳаммаджон узоқ ўйлади. Кейин тинчгина ва ўзи учун қулай бўлган ишдан техника цехидаги қолоқ участкага ўтди. Ўшанда — тўққизинчи беш йилликда коммунистлар қолоқ участкаларга ўтиб ишлаш ташаббуси билан чиққан эдилар. Туробов ҳам ана шулардан бири бўлди.

Янгиликка чанқоқ, изланувчан ёш коммунист қолоқ участкада ишлаб чиқаришни яхшилашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқди. Ўзи сингари жонкуярлар ташаббуси билан 7-цехдаги аҳволни тубдан ўзгартиришга ҳисса қўшди. Орадан кўп вақт ўтмади. Цех коллективи энди заводдаги бошқа коллективлар ўртасида байроқдорлар сафига чиқиб олган.

...Станок ишдан чиқди. Созловчи уни йўлга қўйиш билан банд. Ўймакор — бекор, созловчининг ишини кузатиб туради. Бундай воқеа цехда смена давомида неча бор бўлиши мумкин?! Бу коммунист Туробовнинг ғашига тегди. Биринчи бўлиб цехда аралаш касбни ўрганишга киришди. Икки ишни бир киши бажариши мумкинлигини ва бир кишининг иш ҳақи тежалишини амалда исботлаб берди. Энди у созловчи станок ишчиси, ўймакор, агрегатни бошқарувчи каби аралаш касблар эгаси.

Муҳаммаджон олдин бир станокда иккита ўрнига элликта тешик ўйиш мумкинлигини исботлади. Кейин бир йўла шундай станокларнинг бир нечтасига хизмат қилишни тажрибада синаб кўрди. Бу ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган саккиз ишчидан бошқа мақсадда фойдаланиш имконини берди. Туробовнинг токарлик станокларида сиқиқ ҳаводан фойдаланиш тўғрисидаги таклифининг жорий этилишидан корхона йилига ўттиз минг сўмлик иқтисодий фойда кўрадиган бўлди. Бундай мисоллар кўп.

Лекин гап маблағларни тежашдагина эмас. Коммунист бу билан ишлаб турган коллективда ижодий изланиш, эришилган ютуқлар билан қиёсланиб қолмаслик руҳини яратиши. Шунинг учун ҳам у меҳнат қилаётган цех коллективининг меҳнат шуҳрати тобора ортиб бораяпти. Қолоқларсиз меҳнат қилинаяпти.

— Станокнинг детал ўлдиган фрезаси синиб қолди. Бошқасини қўйгунча анча асабийлашдим, иш зарур эди,— дейди ишчи Василий Долженков.— Шу топда елкамга дўстим қўл ташлади. Бир неча дақиқада станокни юргизиб берди. Муҳаммаджоннинг ҳам плани бор. У бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажаришга талаб қиладиган ишларни муносиб ворислар тайёрлашдек, катта жамоатчилик ишлари билан муваффақиятли қўшиб олиб бормоқда.

— Шунча ишга қачон улгурасиз?— деб сўрашади баъзилар.

КПСС XXVI съезди делегати, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Муҳаммаджон Туробов: «бунинг ҳеч қандай сири йўқ. Қалб амри билан, виждонан ишласангиз ҳаммасига улгурасиз» дея жавоб қилади.

Муҳаммаджоннинг ҳамкасблари ҳақида жон қуйдиришини, уларга меҳрибонлигини айтмайсизми?

...Ёнма-ён ишловчи ёш йигитнинг кейинги пайтда негадир нашъаси паст. Қўйнига қўл солиб қараса онлада янги меҳмон дунёга келиб, уйи торлик қилиб қолибди. Шунда Муҳаммаджон завод касаба союз комитетига, маъмуриятга учрашиб, кенгроқ квартира берилишига эришди.

Шогирди Иван Викторов тўсатдан ишга чиқмай қолганда ҳам шундай бўлди. Туробов таажжубланди, чунки Иван ҳаржиҳатдан интизомли эди. Сабаб нимада? Суриштирди, ҳамма гапнинг тагига етди Маълум бўлишича, Викторовнинг разрядини оширишгану, аммо иш ҳақи эскилигича қолаверипти. Туробов бухгалтерияга бориб ҳужжатларни кўтарди. Ўтган вақт учун ҳақни ундириб берди...

Муҳаммаджон КПСС XXVI съездидан қайтгач, илғорлар ташаббусига қўшилиб ўн биринчи беш йиллик топшириғини уч ярим йилда, 1981 йил топшириғини Улуғ Октябрнинг 64 йиллигигача бажаришга аҳд қилди. Ҳозир 1982 йил ҳисобига маҳсулот топширяпти.

Заводда унинг издошлари кўп. Уларнинг куч-ғайратлари билан ўн биринчи беш йиллик охирига бориб заводда 70 минга трактор тайёрланиши керак. Бу ўнинчи беш йилликда эришилган маррадан икки баравар ортиқдир. Жумладан, пахтакор механизаторлар орзу қилган 80 от кучига эга бўлган «МТЗ-80Х» тракторини олайлик. Бу марра «СССР нинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврларга мўлжалланган Асосий йўналишларида» ҳам алоҳида қайд этилган. Ҳақиқатан ҳам, Тошкент трактор заводининг кўп минг кишилик коллективини ўн биринчи беш йилликда жуда катта довонлар кутмоқда. Бундай улуғвор марраларни эгаллашда Муҳаммаджон Туробов ва унинг юзлаб сергайрат, оловқалб, ташаббускор, коммунист ҳамкасблари шахсий намуна кучи билан ҳаммани илгари бошлямоқдалар.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

ИШОНЧЛИ РЕЗЕРВ

Пискент район «МЕҲНАТ БАЙРОҒИ» газетасида турли мавзуларга бағишлаб, тематик саҳифалар берилиб борилаяпти. Яқинда ана шундай саҳифалардан бири эълон қилинди. Унда Тельман номли колхоз партия комитетининг комсомолга раҳбарлик тажрибаси очиб берилди.

«Комсомолга партия раҳбарлигини кучайтирайлик» умумий сарлавҳаси остида берилган саҳифада хўжалик партия комитетининг секретари У. Душаев колхозда партия ташкилотининг ёшларни тарбиялаш борасида амалга ошираётган ишлари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиб берди. «Комсомол прожектори» деворий газетаси редактори Н. Везировнинг «Ишончли оқлайман» сарловҳали мақоласи эса колхоз комсомол комитетч прожекторчиларн фаолиятига бағишланди. Тематик саҳифа комсомолга раҳбарлик қилишни яхшилашга хизмат этувчи ҳайрли ишлардан бири бўлди.

ҚИШЛОҚҚА — МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

Кейинги йилларда ҳунартехника таълими системасини ривожлантиришга бўлган эътибор сезиларли даражада кучайди. Партия ва ҳукуматимизнинг бу борада қабул қилган қарорлари ҳунар-техника билим юртларн ишини яхшилашга, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Бекобод район «КОММУНИСТ» газетасида эълон қилинган «Ҳунар-техника билим юрти — истиқболли даргоҳ» деб номланган саҳифа райондаги ҳунар-техника билим юртларидан бирининг фаолиятига бағишланди.

Газета коллективи бундан бир мунча вақт илгари ҳайрли ишлар бошлаганди, редакция ижодий ходимлари райондаги 158-ўрта қишлоқ ҳунар-техника билим юртини ўз оталиқларига олган эдилар. Саҳифада бу билим даргоҳидаги ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Билим юрти районда энг кенжа зиё масканларидан бири. У ҳар йили қишлоқ учун малакали кадрлар етиштириб, район хўжаликларига юбормоқда. Кадрларни тарбиялашда олиб борилаётган ишлар тўғрисида саҳифада билим юрти директори Т. Шербоев, ишлаб чиқариш таълими мастери Т. Холбоев ва бошқалар ўз мақолаларида ҳикоя қилиб берганлар.

ЮКСАК ТУРМУШ МАДАНИЯТИ УЧУН

Қишлоқда турмуш маданиятини ошириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Ана шу муҳим масалани ҳал этишга Калинин район «ЛЕНИНЧИ» газетаси муносиб ҳисса қўшмоқда. Редакция коллективи тез-тез турмуш маданиятига бағишланган махсус саҳифалар тайёрлаб, газетхонлар эътиборига ҳавола қилиб бормоқда.

Навбатдаги саҳифа «Турмуш маданияти — ҳаёт зийнати» деб номланди. Унда Свердлов номли совхоз директорининг маданий-оқартув ишлар бўйича ўринбосари М. Нурматов хўжаликда қишлоқ меҳнаткашларига яратиб берилаётган янги шароитлар ҳақида, бу борада ҳал этилиши лозим бўлган масалалар тўғрисида фикр юритади. «Таклиф ва мулоҳазалар» рубрикаси остидаги мақолаларда «Бўзсув» совхози ишчиси М. Боқиев турмушимизда юз бераётган айрим кўнгилсиз воқеаларни танқид қилса, «Иттифоқ» қишлоғидан пенсионер Б. Эсонов ортиқча расм-русмларга йўл бермаслик зарурлиги тўғрисида таклиф киритган. «Назарбек яшнаяпти», «Анъана давом этади» сарлавҳали корреспонденцияларда ҳам районда аҳоли турмуш маданиятини ошириш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида ҳикоя қилинади.

КОРХОНАЛАРИМИЗ ТАРЖИМАИ ХОЛИДАН

БИРОДАРЛИК ОБИДАСИ

ЛЕНИН ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси. Бу ном ортида Ўзбекистон химия саноати тўнғичининг шарафли тарихи ётибди.

1932 йил июлида Чирчиқ дарёси ёқасига қурувчи ва монтажчиларнинг биринчи эшелони кириб келди. Тоғдан тушаётган шаффоф сув шаршараси, ажойиб табиат қучоғи, қамишзорлар, мовий тоғ чўққиларига туташиб кетган яшил кенглик — булар барчаси катта ишга бел боғлаган минглаб бунёдкорлар қалбини ром этди. Улар олдида мана шу табиатни ўзгартириш, табиий бойликларини инсонга хизмат қилдириш вазифаси турарди.

«Бу мўъжиза Чирчиқда амалга оширилади. Чирчиқ дарёси энергия ва хом ашё беради, бошқа бўлагини унинг тепасидаги ҳаво беради ва Чирчиқ водийсидан фақатгина ўзбек тоғларининг минерал бойликлари кутаётган электр энергияси эмас, балки ўсимликлар учун, асосийси — пахта учун зарур бўлган ўғитлар ҳам чиқадиган бўлади».

Бу сатрларни машҳур чех журналисти Юлиус Фучик ўша пайтда ёзган эди...

Чирчиқдаги азот заводи қурилиши — Чирчиқ шаҳрининг тарихи ҳамдир. Чунки шаҳар у билан баравар туғилди, бунёдга келди. Бу қурилишда комплекс ғоя жамланган эди: гидротехник иншоотларни қуриш фақат электр энергияси бериб қолмай, экинларни суғоришда сувдан рационал фойдаланиш имкониятини ҳам яратди.

Қурилишга бепоён мамлакатимизнинг барча бурчакларидан турли касбдаги қурувчилар, мутахассислар келишди. Бу ерда улар қуришни, бошқаришни ўрганишди, коллективизм ва интернационализмга ўрганишди, янги ҳаёт бошлашди. **1932 йилнинг октябрида «Чирчиқстрой» бошлиғи Д. П. Розит кўп нусхали газетада шундай ёзган эди: «Биз СССРда Днепрдан кейин энг йирик бўлган гидростанцияни қуряпмиз. Чирчиқ азот заводининг Иттифоқда ҳам, жаҳондаги бошқа бирон мамлакатда ҳам тайёр намунаси йўқ».**

Гап шундаки, бу пайтгача мамлакатимиздаги минерал ўғитлар заводларини чет эллик мутахассислар қураётган эди. Чирчиқ заводи эса мамлакатимиз инженер-техник ходимлари ақл-идроки билан, ўз лойиҳамиз билан бунёд этилди.

Бу қурилишда Советлар мамлакати кўп миллатли халкларининг дўстлиги, биродарлиги, қардошлиги метиндек мустаҳкам эканлиги намоён бўлди. Ўзбек ва рус, украин ва қозоқ, татар ва қирғиз, туркман ва тожик қўлни-қўлга бериб фидокорона меҳнат қилдилар. Партиямиз қурувчилар олдига аниқ вазифа қўйди: мамлакатга пахта керак. Пахтадан мўл ҳосил олиш учун эса минерал ўғит керак. Шунинг учун комбинатни тезроқ ишга тушириш зарур.

Ўзларига топширилган бу вазифанинг чуқур масъулиятини ҳис қилган қурувчилар жасорат намуналарини кўрсатишди. 1940 йил 4 апрелда В. Казмишев бошлиқ сувоқчилар бригадаси кунлик нормани 978 процентга етказиб бажарди. Холматов, Турсунбоев, Овсянников каби бетончиларнинг номи ҳам мамлакатга машҳур бўлди.

Монтаж ишлари тугаши арафасида фойдаланувчилар кела бошлашди. Улар орасида ўзбек В. Ҳайдаров, рус Ф. Медведев, арман Г. Афанасьев, украин В. Шевченко ва бошқалар бор эди.

Ҳаяжонли дақиқалар етиб келди.

Команда берилди.

Комбинатнинг бош тақсимлаш подстанцияси ишга тушди ва ундан барча технология линияларига қувват оқа бошлади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 23 йиллиги арафасида, 1940 йил 6 ноябрда Чирчиқ азот заводида муҳим хомашё — аммиак селитрасининг дастлабки тонналари олинди. Бу пайтда Чирчиққа М. Набиев, В. Қодиров, М. Шакий, Б. Камоловлар тажрибали инженерлар бўлиб қайтишди. Улар «Чирчиқстрой» бошланиши билан Иваново химия-технология институтига ўқишга юборилган эдилар. Кейинроқ дастлабки ўзбек инженерлари Сталиногорск ва Горловка химия комбинатларига стажировкага юборилди. Мамлакатимизда ишлаб турган химия корхоналаридан эса етук мутахассислар Чирчиққа келишди. А. Лобачев, Ю. Севостьянов, Л. Аҳназаров, П. Можара, В. Гордо шулар жумласидандир.

Улуғ Ватан уруши йилларида Чирчиқ мамлакатимизнинг фронтга яқин жойларидан эвакуация қилинган корхоналарнинг ускуналарини қабул қилди. Дўстлик ва қардошлик уруш йилларида ёрқин кучини кўрсатди.

Ҳозирга келиб «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси номини олган бу корхона кадрлар ўчоғи вазифасини ҳам ўтади. Саттор Ёқубов 1942 йилда оддий ишчига шогирд бўлиб келган эди. Кейинроқ Москва химия машинасозлиги институтини тугатди. Ҳозир Фарғона азот ўғитлари заводининг директори. Россияда ўқиб келган биринчи ўзбек инженерлари сафида бўлган Воҳид Қодировнинг смена бошлиғи, кейинроқ ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи вазифаларида ишлади. Ҳозир, узоқ йиллардан бери В. Қодиров мана шу улкан корхонанинг директори, Бернинг номидаги республика даллат мукофотининг лауреати, Иван Георгиевич Анисимкин 1941 йилда цех смена инженери вазифасида меҳнат фаолиятини бошлаган эди. Ҳозир у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари. СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. А. Костандов ўз меҳнат фаолиятини Чирчиқ комбинатида сув хўжалиги цехининг механиги вазифасидан бошлади. 1949—1953 йилларда эса корхона директори лавозимида ишлади.

Ҳозирги кунларда комбинатда ўнлаб турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек фидокорона меҳнат қилишяпти. Бу даргоҳда кўплаб ишчи сулолалари ҳам бунёдга келди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Деҳқон Шерчибоев бирлашманинг энг бақувватлари ишчиларидан бири. Ҳозир Деҳқон аканинг оиласидан бир неча ўғли ва келинлари шу даргоҳда меҳнат қилишяпти. Қозоқ Маннап Дуйсенханов 1940 йилда корхонага ишга келган. Ҳозир у цех бошлиғи. Бирлашмада эса оиласидан 9 киши ишлайди. Рус Иван Иннокентьевич Витковский — ветеран мастер. Унинг ўғли капролактам ишлаб чиқаришда механик, турмуш ўртоғи табелчи. Украин Петр Антонович Можара яқинда цех бошлиғи вазифасидан пенсияга кетди. Унинг ўғли ва қизлари ота изидан бориб, ишчи анъанасини давом эттиришмоқда. Директор ўринбосари Саид Азаматов ўз фаолиятини смена бошлиғи вазифасидан бошлаган.

Корхона ишга туширилган дастлабки йилларда мамлакатимизнинг ўнлаб шаҳарларидан бу ерга мутахассислар келиб ишлаган бўлса, ҳозир у қатор химия заводларига ишчи кадрлар, мутахассислар тайёрлаб юбораяпти. Кейинги йилларда Навоийга 193 киши, Вахшга 89, Кировканга 30, Куйбишевга 30 киши жўнатилди.

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасини ҳақли равишда дўстлик ва биродарлик обидаси дейиш мумкин...

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

Тошкент тажриба пиллакашлик фабрикаси илғор ишчиси Насиба Расулова маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича корхонада ўтказилган социалистик мусобақада биринчи ўринни эгаллади. Мусобақа пешқадами смена топшириқларини эпидаси билан бажариб, барча маҳсулотларни юқори сифатли бўлишига эришди. Суратда: Н. Расулова.

В. Сироткин фотоси.

Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикасининг ветеран ишчиси Рафиқа Отабоева илғор чеварлардан ҳисобланади. Ишлаб чиқариш пешқадами ўзининг бой тажрибасини ёшларга ўргатиш билан бирга смена топшириқларини мунтазам эпидаси билан бажариб келаяпти. Айни пайтда Рафиқа Отабоева 1983 йилнинг октябрь ойи ҳисобига маҳсулот топширяпти.

И. Глауберзон фотоси.

ТАРИХ ҲУКМИ

ХУШХАБАРЛАР

ҲАМ ПИШИҚ, ҲАМ АРЗОН. «Ташкенткабель» заводининг мутахассислари шаҳта телефон кабели хизмат муддатини икки баравар узайтирдилар. Металлдан фойдаланишни камайтириш ва бошқа конструктив янгиликлар қўлланиш туфайли бир километр узунликдаги шундай кабель ишлаб чиқариш 600 сўм арзонга тушмоқда.

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН. Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикаси юқори синф ўқувчилари учун ишлаб чиқаришга киришган костюмларга «Н» (янгилик) ва фахрли бешбурчак — давлат Сифат белгиси берилди. Бундай костюмлар замонавийлиги, материалининг пишиқлиги, аъло даражада тикилганлиги билан ажралиб туради. Август ойининг ўзидаёқ савдо тармоқларига ана шундай костюмлардан саккиз мингтадан кўпроғи юборилади.

НУРОБОД УЧУН КИТОБЛАР. Янги Ангрен ГРЭСи қурувчиларининг талабига биноан Нуробод посёлкасида дастлабки китоб магазини очилди. Нурободликлар магазин очилган биринчи кундаёқ қарийб 800 сўмлик китоб харид қилдилар. Яқин кунларда озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари ҳам ёзги павильонларда махсус қурилган савдо комплексига кўчиб ўтади.

(ЎзТАГ).

ЧЕКИСТ! Бу сўз замирида мардлик, жасорат мужассам. Революция рицарлари фаолияти неча-неча авлодлар учун мардлик намунаси бўлиб келяпти.

Ана шу мавзу яқинда Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Ҳукм ижро этилди» роман-хроникада ҳам ўз аксини топган. (**Михаил МОРОЗОВ, Григорий РОПСКИЙ, Олег СИДЕЛЬНИКОВ. «ПРИГОВОР ПРИВЕДЕН В ИСПОЛНЕНИЕ». Ташкент, 1980**).

Роман 1918—1925 йиллардаги воқеаларни ўз ичига қамраб олган, асосий қаҳрамонларнинг кўпчилиги тарихий шахслардир. Асардаги воқеалар собиқ амалдор, юстиция маслаҳатчиси Александр Крошков тилидан жонли ҳикоя этилади.

Душманлар — собиқ амалдорлар, бойлар, корхоналарнинг аввалги хўжайинлари, капиталистлар, чор офицерлари ўша даврда Совет ҳокимиятининг сиёсий, иқтисодий тадбирларига қарши саботаж уюштирдилар, янги ҳокимиятни обрўсизлантириш ва халқ ўртасида норозиликни кучайтириш учун барча воситаларни ишга солдилар. Аммо, ҳамма амалдор ва офицерлар ҳам Совет ҳокимиятига душман эмас. Бўш вақтларида авлодлар хотираси учун кундалик тутувчи собиқ дворян Александр Крошков янги ҳокимият билан подшо тузумини таққослаб мулоҳаза юритади. Совет ҳокимияти келажагига ишонч ҳосил қилган ҳолда ўз синфий мафкурасидан воз кечади, жиноят қидирув бўлими ходими сифатида янги тузум учун виждонан хизмат қила бошлайди.

Асарда гражданлар уруши йилларида чекист ва милиция ходимларининг халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун олиб борган қонлибона кураши контрреволюцион куч — Туркистон ҳарбий ташкилоти (ТВО) ва ажнабий дипломатлар билан тўқнашув фонида тасвирланади.

Муаллифлар яширин хавфли душман — республика ҳарбий комиссари, сотқин Константин Осипов образини ҳам атрофлича ёритишган. Республика юрагига ҳанжар уришни қасд қилган Осипов қарийб икки йил давомида мудҳиш фитна тўрларини ёяди, кўплаб софдил кишиларнинг ёстиғини қуритади. У Совет ҳокимиятининг ашаддий душманларини масъул лавозимларга қўйиб, ҳокимиятни қўлга олиш учун ҳаракат қилади. Унинг ахлоқий инқирозини роман муаллифлари ёрқин деталларда ҳикоя қиладилар. У на бурчни, на дўстликни билади. Ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайди. Вақти келганда мунофиқлик, пасткашлик, ҳатто қотилликдан ҳам қайтмайди.

Романда Осиповнинг тоғаси иттифоқчиси, сўл эсер Колузаев образи ҳам ишонарли бўёқларда тасвирланади. У ҳам Осипов сингари шуҳратпараст, ўз манфаати йўлида революцияга хиёнат қилишга тайёр. Умуман, қизиқиш билан ўқиладиган бу асарда салбий образлар тасвири муваффақиятли чиққан.

Муаллифлар негадир марказий диққатни Осиповга қаратиб, бошқа образларни саёз тасвирлайдилар. Цирульс, Пригодинский, Фоменко каби ЧК ва милиция ходимлари образлари унча кўзга ташланмайди. Туркистон республикаси раҳбарлари Першин, Ботинцев, Качуринер, Финкельштейн ва бошқа Осипов фитнасининг қурбонлари бўлган 14 комиссар романда эпизодик образлар тарзидагина келтирилади.

ТАҚРИЗ

Шу билан бирга роман муаллифлари Тошкент шаҳридаги синфий кураш, социал-иқтисодий ҳаётни фақат янги шаҳар билан чеклайдилар. Юз минг кишилик эски Тошкентда ижтимоий вазият ҳақида қарийб ҳеч нарса дейилмайди. Холбуки, 1918—1919 йилларда эски Тошкентда кўпгина диққатга сазовор социал-сиёсий ўзгаришлар рўй бермоқда эди. Оқ гвардиячилар ва рус буржуазияси эски шаҳарда Советларга қарши ташвиқотни кучайтириб, мусулмон аҳолисидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилган эди. Эски Тошкентда уламолар ҳамда ўзбек буржуазияси мафкурасининг тарғиботчилари билан Султонхўжа Қосимхўжаев, Мирзааҳмад Мирҳодиев, Очил Бобожонов каби ўзбек большевиклари ўртасида кескин кураш борарди.

Романда маҳаллий миллат вакилларининг контрреволюцияга қарши олиб борган мардонавор кураши лавҳаларини учратмаймиз. Холбуки, Осипов фитнасини тугатишда ўзбек миллий партия дружинасининг хизмати катта бўлган.

Шунингдек, романда Очил Бобожонов бошлиқ Тошкент ЧКаси, Низомиддин Хўжаев ва Миркомил Миршаропов бошчилигидаги эски шаҳар партия дружинаси фаолияти атиги бир жойдагина тилга олинган. Бунда ҳам муаллифлар қўпол хатога йўл қўядилар. «Бу дружинани, — дейилади романда, — эски шаҳар большевиклари раҳбарлари Саид Қосимхўжаев ва Очил Бобожонов ташкил қилишган». (321 бет.).

Ёзни эски шаҳар меҳнаткашларининг баобрў раҳбари, «Иморатчи усталар жамияти» касаба союзи ташкилотчиларидан бири Султонхўжа Қосимхўжаевнинг номи нотўғри келтирилган.

Маълумки, 1918 йил 20 апрелида Туркистон ўлкаси Советларининг V съезди иш бошлаган. Худди шу съездда марказий ҳукуматнинг Ўрта Осиё ва Бокудаги фавқулодда комиссари Пётр Кобозев ҳам қатнашган эди. Съездда (1918 йил 20 апрель — 1 май) большевистик фракция таклифи билан Туркистон Совет республикаси тўғрисидаги Низом қабул қилиниб, унда Туркистон ўлкаси Автоном Совет республикаси, деб эълон қилинган эди. Съезд П. А. Кобозевни Туркистон Автоном республикаси Марказий ижроия комитетининг фахрий раиси этиб сайлаган.

Лекин, негадир Туркистон ўлкаси тарихида муҳим ўрин олган мазкур съезд романда қарийб эсга олинмайди. П. Кобозев эса фақат эпизодик тарзда Халқ Комиссарлари Совети ва Марказий Ижроия Комитет йиғилишида «сўл» эсерлар билан мунозара эпизодида тилга олинади, холос.

РКП(б) Марказий Комитети, РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Туркистон комиссияси фаолияти ҳам ёритилмаган. Холбуки, Турккомиссия аъзолари Осипов фитнаси оқибатларини таҳлил этган ҳолда совет, партия органлари фаолиятини яхшилашда самарали иш олиб борганларки, бу республикамиз тарихига заррин саҳифалар билан ёзилган.

Роман-хроника А. Крошков кундалигининг сўнгги саҳифалари билан якунланади. Унда Туркистондаги 1919—1925 йиллар воқеаларига хотима ясалади. Бизнингча, роман-хроника якуни воқеалар ривожининг бадиий хотимаси эмас, балки қуруқ баёндан иборат бўлиб қолган.

Биз асарнинг кейинги нашрида мазкур камчиликларнинг тугатилишини истардик.

Ҳ. СОДИҚОВ,
тарих фанлари кандидати.

ҚЎЛАМИ КЕНҒАЙМОҚДА

ОЛОВҚАЛБ қурувчиларимиз замонавий шаҳар ва посёлкалар, турар-жой бинолари ва янги массивлар, мактаблар, мактабгача болалар муассасалари барпо этишмоқда. Ҳа, бунёдкорлар меҳнати натижасидан баҳраманд бўлмаётган халқ хўжалигининг бironта ҳам тармоғи ва бирор киши йўқ, десак муболаға бўлмайди.

— Социалистик қишлоқларимиз қиёфасига гўзаллик ва латофат бахш этаётган бинокорларнинг хизматидан беҳад мамнунмиз, — —дея сўз бошлади Тошкент районидаги Киров қишлоқ Советининг раиси Нормат Орапов. — Энг шарафли ва муқаддас ҳисобланган бу касб эгалари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш, партиямиз белгилаб берган ва давр олга сурган вазифаларни сидқидилдан бажариш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ўн биринчи беш йилликнинг тўғриси йилларида қишлоғимизда 624 ва 724 ўринли иккита мактаб, ўнлаб уй-жой, 4 та янги дала шийпони, 200 қорамолга мўлжалланган иккита типовой молхона, қишлоқ советининг икки қаватли маъмурий биносини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Айни кунлардаги иш суръати барча объектлар муддатидан илгари фойдаланишга топширилишидан далолат бериб турибди.

Бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида «Тошкент» совхозида барпо этилаётган 624 ўринли янги мактаб қурилишига йўл олдик. Баҳри кенг сайхонликда қад кўтарган икки қаватли бино узоқдан кўзга ташланади.

— Объектда 18 киши меҳнат қилмоқда, — дейди прораб Аркадий Фишман.— Улар ўз вазифаларини юксак масъулият билан, сидқидилдан адо этмоқдалар. Р. Зуфаров, З. Нурматов, А. Нестеров, А. Юдин сингари ғайратли бинокорларимиз кунлик нормаларини 140—150 процент қилиб бажариб, меҳнатга коммунистик муносабатнинг ёрқин намунасини намойиш қилмоқдалар. Мактаб биносини шу йил 20 август куни фойдаланишга топширш кўзда тутилган. 1 сентябрда эса у 624 ўғил-қизни ўз бағрига олади.

Д. МУСАЕВА,
ТошДУ студенти.

ФАРЗАНД КАМОЛИ — ОТА-ОНА ИҚБОЛИ

ЁШ болаларда уч ойликдан бошлаб энг зарур малака ва одатлар вужудга кела бошлайди. Улар бу даврда ўз онасини яхши танийди, бошқалардан ажрата билади. Одамлар билан «муомала» қилишга интилади, уларга талпинади. Худди шу палладан бошлаб уларни қўксига қўлини қўйиб ёки таъзим қилиб салом беришга, қўл силтаб хайрлашишга, миннатдорчилик билдиришга ўргатиш, қўникма ҳосил қилиш лозим.

Боланинг «тили» қанчалик эрта чиқса, у одатларга шунчалик тез кўника боради. Бу эса, гўдак тилининг равон бўлиши, бошқалар фикрини осон ўқиб олиши жараёнини тезлаштиради.

Кичкинтой икки ёшдан бошлаб сўзлашиш малакасини эгаллайди. Катталарнинг ўгит-насиҳатига қулоқ солади, буюрилган ишларни бажаради, ўз ҳатти-ҳаракатини идора қилишга одатлана бошлайди. Шу кездан эътиборан уларга ахлоқ-одоб қоидаларини ўргатиш, «яхши» нима-ю, «ёмон» нималигини тушунтира бориш жоиздир. Айни вақтда болаларни озодаликка, саришталикка ўргатиш уларда яхши фазилатларнинг эрта шаклланишига олиб келади.

Болалар икки-уч ёшга киргандан ҳам кўпчилик ўртасида ўзини тутишни билмайди, шўхлик ва ўжарлик қилишади. Бундай ноўён ҳатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлмаслиги учун катталар болаларга кўпчилик ўртасида ўзни қандай тутиш кераклигини тушунтиришлари, зарур йўл-йўриқлар кўрсатишлари лозим. Шу билан болаларни ювиниш, кийиниш, беморга қарашиш, қийим-бош ва ўй-ичоқларини эҳтиётлашга одатлантириш керак. Бунинг учун жумладан: «Нега мушукни қийнайсан?», «Унинг жони оғримайдими?», «Ундай қилиш яхши эмас», дейишнинг ўзи кифоя.

Болаларнинг ёши улғая борган сари улар қиёфасида ҳосил бўладиган малака ва одатлар ҳам мураккаблашади. Уч-тўрт ёшли болаларда ювиниш, кийиниш, идиш-товоқ келтириш, ниҳолларни парвариш қилиш ва уй ҳайвонларини боқиш малакаларини ошириш мумкин. Бешолти ёшда болалар тугма тақиш, ботинка кийиш, уй йиғиштириш каби юмушларга бемалол қўника оладилар. Олти ёшдан эса уларда ҳулқ атворни идора қилиш, билим эгаллаш малакаларини тарбиялай бориш мақсадга мувофиқдир.

Мактаб ёшига етмаган болаларда, худбинлик, ўжарлик иллатлари қўзга ташланса, тездан олдини олиш лозим. Болани камроқ эркалатиш, бўлар-бўлмас хоҳишистакларига ҳамма вақт ҳам қулоқ солавермаслик, уларни қаровсиз қолдирмаслик иллатни тезроқ бартараф қилишга ёрдам беради. Уларнинг саволларига ўз вақтида тўғри жавоб бериш, тушунмаган нарсасини тушунтириш мутлақо зарурдир.

Болалар мактабда ноўён ҳатти-ҳаракатлардан тийилишга одатланади. Уларда яхши ҳулқ-одоб, ҳислатларнинг пайдо бўлишида китоб, бадиий адабиётнинг, кинонинг аҳамияти каттадир. Болалар аксарият ҳолларда яхши кишилар, асар ижобий қаҳрамонларига тақлид қиладилар, уларга эргашадилар.

Ота-она, оила аъзоларининг иболи сўзлашиши, муомоти, хушфеъллиги болаларда инсоний фазилатларни тарбиялайди. Етти-саккиз ёшли болалар ота-она (катталар)нинг айтганини бажариш, уларнинг сўзига қулоқ солишга интиладилар. Ўн-ўн бир ёшда бундай ҳаракатлар шахсий ташаббусга айлана боради.

Фарзанд балоғат ёшига етганда уларни тўғридан-тўғри одат ва малакаларга ўргатиш қийинлашади. Бу даврда улар катта ёшдаги одамлар сингари ахлоқ, одоб тушунчаларига, эътиқодга эга бўладилар. Бундай ўсмирлар билан катталар қатори муомала қилишга тўғри келади. Акс ҳолда уларни беҳуда тергайвериш ота-она билан фарзанд ўртасида низо келтириб чиқаради. Меъёридан ортиқ панд-насиҳат ёмон оқибатларга сабабчи бўлади.

Ўғил-қизга ҳар бир гапни ётиғи билан тушунтириш, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш, меъёридаги талаб, енгил жазолаш орқали яхши фазилат ва одатларни вужудга келтириш зарур. Шундай йўл тутиш керакки, фарзандлар катталарнинг талабчан мураббийлигигина эмас, балки ғамхўр, меҳрибон маслаҳатгўй эканликларини ҳам англаб етсинлар. Балоғат ёшига етганларда ўзини тута билиш, ўз ҳатти-ҳаракатини баҳолаш, ўз юриш-туриши учун жавобгарлик ҳисси нечоғлик зарур эканлигини унутмаслик лозим. Ёшларни меҳнатга ўргатиш, уларда камтарлик, шижоат ва жасурлик ҳислатларини тарбиялаш, ўз ҳулқ-атворини идора қилишга ёрдамлашиш катталарнинг муқаддас бурчидир.

Ҳурматли газетхон! Шу мусобақат билан сизларга мурожаат қилмоқчимиз. Ҳаётимиз ғуллари, коммунизмнинг бўлажак бунёдкорлари — азиз фарзандларимиз тарбияси ҳақида сизлар қандай фикрдасиз? Ўз фикр ва мулоҳазаларингизни газетага ёзиб юборасизлар деган умиддамиз.

Э. ГОЗИЕВ,
психология фанлари кандидати.

ПЕДАГОГ МИНБАРИ

Тўйтепадаги металл конструкциялари заводининг ёрдамчи хўжалиги кун сайин кенгайиб бормоқда. Ёрдамчи хўжалик ташкил этилгач, дастлаб бу ерда 3 мингга яқин жўжа боқилган эди. Бугунгача корхона ишчи-хизматчиларига хўкаликнинг ўзида 1,5 тонна гўшт етиштириб берилди. Келгусида паррандаларни 36 мингтага етказиш кўзда тутилган. Суратда: (ўнгда) паррандачилик фермасининг илғор ишчиси Т. Лучникова.

У. Хамидов фотолари.

ЧОРВАДОР ОЙЛАЛАР

КЕЙИНГИ йилларда Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхозида чорвачилик жадал ривожланмоқда. Учинчи беш йиллик якунловчи йилида ферма ходимлари қабул пунктларига планда белгиланганидан 39 тонна кўп сут етказиб бердилар. Давлатга 18,5 тонна гўшт сотилиб, бу соҳадаги план ҳам анча ошириб адо этилди. Ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 500 килограммданга тўғри келди.

Ферма коллективи ўн биринчи беш йилликкинг дастлабки йилида янада юксак марраларни эгаллаш учун ўзаро социалистик мусобақани авж олдирган. Бу меҳнат беллашувида коммунист, «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери Ёўронгул Жонбўсинова пешқадамликни қўлдан бермай келяпти. Райондаги донгдор сут соғувчи Турғуной Серикбоеванинг издоши бўлган бу «оқ чашма» соҳибаси ўзига бириктирилган 25 бош сигирнинг ҳар биридан 4200 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилган. Бўронгул ғайрат билан меҳнат қилиб, сигирларидан кунига 12—13 килограммдан сут соғиб оляпти.

Жонбўсиновларни колхозда «Чорвадорлар оиласи» деб аташларича бор. Бўронгул опанинг ўрта мактабни тугаллаган қизи Карима ҳам фермада ҳалол меҳнат қилиб, эл ташаккурига сазовор бўлмоқда. У бу йил ўзига бириктирилган 15 бош сигирнинг ҳар биридан 3 минг килограммдан сут соғиб олишга сўз берган.

Карманинг отаси эса фермани илғор молбоқарларидан ҳисобланади. Ўринбосар ака Жонбўсинов мана йигирма йилдан бери бўрдоқибоқар бўлиб ишлаяпти. Коммунист чорвадор қарамогидаги қорамоллар 500—550 килограмм семизликка етказилиб гўштга топширилаяпти.

Нуроқовлар оиласи ҳам чорвадорлик касбини улуғлаб келяпти. Тўхта опа Нуроқова илғор сут соғувчи. Ўн биринчи беш йилликкинг дастлабки йилида у говмушлари маҳсулдорлигини 4 минг килограммга етказиш иштиёқидадир. Унинг турмуш ўртоғи КПСС аъзоси Манноп ака молбоқар. Қарамогида 30 бош сигир бор. Тажрибали молбоқар говмушларини кунига беш марта тўйимли озуқалар билан боқади. Уларнинг ҳар бирига 20 килограммдан барда, 25 килограммдан кўк беда, 3 килограммдан омухта ем беради. Фермада сигирлар маҳсулдорлигининг муттасил ортиб бораётганлигида унинг хизматлари ҳам катта.

Сора Нуроқова ҳам ота-оналари касбини таклаган. Бу йил у эл дастурхонига 50 тонна серқаймоқ сут тортиқ қилиш учун курашяпти.

Чорвадор оиласларнинг фидойиликлари, ташаббускорликлари ферма коллективини ҳам фидокорона меҳнатга руҳлантираяпти. Хўжалик чорвадорлари олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун моллар парваришини яхшилаб, уларнинг маҳсулдорлигини ошираяпти.

Х. ШАРИПОВ.

АҲДЛАРИ ҚАТЪИЙ

БУКА районидаги «Ленинизм» колхози далаларида шу кунларда иш қизғин. Пахтазорни жасорат майдонига айлантириб меҳнат қилаётган хўкалик заршуносларининг съездлар йилида 1150 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштириш мажбуриятини олишган.

Колхознинг барча бригадаларида «Август ойи — ҳосил тўплаш ойи» шиори остида кенг кураш олиб борилмоқда. Бу борада айниқса, Абдурасул Рашидов етакчилик қилаётган бригадада бажарилаётган ишлар диққатга сазовор.

— Мўл пахта ҳосили олиш учун қурашнинг якунловчи босқичига кирдик, — дейди бригадир А. Рашидов. — Бу паллада ҳар бир туп ғўза деҳқон ардоғида бўлиши керак. Ниҳолларга ишлов бериш, суғориш ишлари ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши лозим.

Коллективнинг механизаторлари Қурбон Нурматов ва Турсунали Отақуловлар қатор ораларига сифатли ишлов берган пайкалларга Ҳайриддин Абдуллаев ва Эргаш Шоматов каби сувчилар учинчи марта обихаёт тараб, ҳар туп ғўзада мўл ҳосил тўплашмоқда. Ҳозирги кунда 100 гектар майдондаги ғўзаларнинг ҳар бирида 10—12 тадан бўлиқ кўсак бор. Шунингдек, бригадада чеканка ишлари ҳам тугалланди. Бригада аъзолари гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштиришга ва бу ҳосилнинг асосий қисмини машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилганлар.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

КОМСОМОЛ КАФОЛАТИ

«КЕНГ истеъмол молларига — комсомол кафолати!» — В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш корхонасида мана шундай ватанпарварлик ташаббуси бошланди. Мастер Фарида Эрматова бошчилик қилаётган 3-комсомол-ёшлар бригадасининг юқоридаги шиор остида бошлаган ташаббуси барча цех ва участкалар бўйлаб кенг қўллаб-қувватланяпти. Улар корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини янада яхшилаш, кастрюлка, чойгум, тогорача, тоғора ва бошқа шу каби хилма-хил сирланган идишларнинг ташқи безагини янада яхшилаш, уларни ихчам ҳамда қулай ишлаб чиқариш мақсадида ана шундай ташаббус бошладилар.

Коллектив аъзолари ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотни биринчи тақдимда топширишга эришмоқдалар. Бу, улар фақат аъло сифатли буюмлар тайёрлашяпти, деган гапдир.

Илғор коллектив ташаббусига Ғамара Жўраева бошлиқ 1-бригада безакчилари ҳам қўшилишди. Г. Губайдулина, Ф. Гарафутдинов, каби тажрибали ишчилар смена топшириқларини мунтазам 1,5—2 бараварга етказиб адо этишмоқда.

Ҳ. АЛИМОВ.

АЛОҲИДА КИТОБЧА ҚИЛИБ НАШР ЭТИЛДИ

РЕЙКЬЯВИК, 11 август. (ТАСС). Бу ерда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съездига қилган Ҳисобот доклади алоҳида китобча қилиб нашр этилди. Бу — КПСС съезди материалларининг исланд тилидаги биринчи нашридир.

Ана шу муҳим ҳужжатнинг исланд тилида нашр этилганлиги, — дейди Исландия Тинчлик комитетининг раиси Х. Харальдссон, — катта аҳамиятга эгадир, чунки мамлакат жамоатчилигига асосий халқаро проблемалар юзасидан СССР позицияси билан танишиш, Совет Иттифоқининг ана шу проблемаларни ҳал этишга, кескинликни юмшатиш жараёнини давом эттиришга қаратилган таклифларини ўрганиш учун ажойиб имконият яратиб беради.

КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVI съездига Ҳисобот докладида, — деб ўқтириб ўтади у, — совет кишилари коммунистик қурилишда эришган муваффақиятлар, янги беш йиллик планлари акс эттирилган. Бу планларнинг асосий мақсади — совет халқи фаровонлигини оширишга қаратилгандир.

ДОНОРЛАР САФИ КЕНГАЙСИН

САҲОВАТ

Қадим замонлардаёқ ҳаётдаги оддий кузатишлар натижасида кишилар қонининг турли хусусиятлари борлигини билишган. Лекин ўша даврда медицинанинг яхши тараққий қилмаганлиги ва керакли медицина асбоб-ускуналари йўқлиги туфайли бу сирлар анча вақтларгача номаълум бўлиб қолган. Ҳозирги вақтда тиббиёт ютуқлари қонининг фойдали томонларини юзага чиқарди. Кўпгина қон касалликларининг келиб чиқиш сабаблари аниқланди.

Аммо илм-фаннинг юксак тараққиётига қарамай бугунги кунда тўла равишда қонининг вазифасини ўтовчи бирон-бир сунъий модда кашф этилганича йўқ. Унинг ўрнини босувчи суюқликларда эса қонининг айрим хоссаларигина бор. Шу туфайли даволаш муассасаларини қон билан таъминлашда донор асосий ўрнини эгаллаб келмоқда.

Ҳаётда бутун умрини ана шундай муқаддас ишга бағишлаб келаётган ва беморларнинг қондош дўстига айланган меҳри дарё кишиларимиз оз эмас. Масалан, республикамизнинг область ва район қон қуйиш станция ҳамда бўлимларида бошқалар соғлиғи учун узоқ йиллардан буён ғамхўрлик қилиб келаётганлар сони тобора ортиб бормоқда. Ҳаётининг ўттиз-қирқ йилини донорликка бағишлаган, меҳнат қобилиятини йўқотмай мустаҳкам саломатликка эга бўлган кишиларни маҳаллалар, завод ва фабрикаларда, ташкилотларда ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Донорлик сафига 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган соғлом кишилар, аёллар ва қизлар кириши мумкин.

Бизнинг мамлакатимизда донорларга маълум имтиёзлар берилган. Шунга кўра, барча корхоналар, муассасалар ва ўқув юртларининг раҳбарлари ишчи ва хизматчиларга врач текширувидан ўтадиган ва қон топширадиган куиларда ишдан руҳсат беришлари керак. Бунда шу кунги иш ҳақи тўла сақланади. Қон топширилган кунинг эртасига донор учун дам олиш куни берилади ёки донорнинг истагига кўра бу кун навбатдаги йиллик меҳнат отпускасига қўшилиши мумкин. Дам олиш уйлари ва санаторийларга путёвкалар тақсимланаётганда донорлар биринчи галда ҳисобга олинадилар.

Ўзбекистон гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида «қон криобиологияси» деб аталган махсус лабораториянинг очилиши туфайли ҳар қандай группадаги қонни, унинг компонентларини музлатилган ҳолда бир неча йиллар давомида сақлаш ва эҳтиёж туғилганда улардан тез фурсатда фойдаланишга шароит яратилди.

Ҳозирги замон медицинасида юрак, ўпка ва буйрак каби органларни кўчириб ўтказиш операцияларида ишлатиладиган сунъий қон айланиш аппаратлари донор қони ҳисобига беморларнинг ҳаётини сақлаб қолмоқда. Сунъий қон айланиш аппаратларининг ишлаши учун 2—3 литр донор қони керак бўлади. Ана шундай шифобахшлик хусусиятига эга бўлган донор қонининг таркиби анча мураккабдир. Қондан ўндан ортиқ ҳар хил препаратлар тайёрланади. Бир шиша флакондаги донор қонини катта хазина манбаи деб аташ мумкин.

Қон препаратларининг қўлланилиши медицинада катта саҳифа очди. Масалан, гамма-глобулин қизамиқ, гепатит (сариқ касали), чечак, полиомиэлит (қоқ шол), кўк йўтал ва стафилоккок сепсиси каби касалликларни даволашда асосий восита ҳисобланади. Донор қонининг суюқ қисми (плазмаси)дан қимматли дори тайёрланади. Бу препарат киши танасида оқсил моддаси камайиши билан содир бўладиган касалликларни даволашда яхши натижа беради.

Х. ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтининг директори, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган фан арбоби.

А. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
институтнинг лаборатория мудири, медицина фанлари кандидати.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

1981 йил 16 июнь куни Кобулда Совет Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасида Зўр кўлнинг ғарбий соҳилидан тортиб Повал-Швейковск чўққисигача (СССР, АДР ва ХХР давлат чегаралари тўқнашган жой) давлат чегарасининг ўтиши тўғрисидаги Шартнома имзоланган эди. Шартнома Совет—Афғонистон чегарасининг шу участкасида мавжуд бўлган ва қўриқланаётган чегара чизиғини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб беради ва шу тарика Совет Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасидаги чегаранинг даҳлсизлиги принципини тасдиқлайди.

Шу Шартномага мувофиқ ҳал этиладиган масалалар бошқа ҳеч кимга эмас, фақат СССР билан АДРгагина тааллуқлидир. Аммо Пекин суверен давлатлар ўртасидаги муносабатларга беҳаёлик билан аралашиш одатига амал қилиб, СССР билан АДР ўртасида тузилган ана шу Шартномага ҳуруж қилди. ХХР ташқи ишлар министрлигининг вакили шу йил 22 июлда баёнот берди. У ана шу баёнотида Совет—Афғонистон ҳужжати «ғайри қонуний» бўлиб, «ҳеч қандай кучга эга эмас» деб эълон қилди. Гўё Шартнома Пекин томонидан тўқиб чиқарилган «Помирдаги Хитой—Совет чегарасининг низоли районига» тааллуқли эмиш.

ХХР ҳукумати кўп йиллардан буён совет Помирининг бир қисмига даъво қилиш учун гўё ўз ихтиёрида қандайдир шартномавий асослар бор, деб кўрсатишга уриниб келмоқда. Бундай асослар умуман ҳеч қачон бўлмаган ва ҳозир ҳам йўқ. Бу участкадаги чегара тарихан таркиб топган бўлиб, 1894 йилда нотаналар айирбошлаш йўли билан юридик жиҳатдан расмийлаштирилган эди. Ўша вақтда томонлар Сарикўл тизмалари бўйлаб Помирда «ўзлари эгаллаб турган позициялар доирасидан четга чиқмаслик» тўғрисида келишиб олган эдилар. Бошқа ҳеч қандай чегара чизиғи эмас, ана шу чизиқ ўзи ҳозирги вақтда ҳам мавжуддир. Хитой карталарида ҳам ана шу участкадаги чегара совет карталаридагидек белгиланганлиги, яъни Сарикўл тизмалари бўйлаб кўрсатиб ўтилганлигини пекиндагилар билмаслиги мумкин эмас.

Шу тарика, ХХР ташқи ишлар министрлиги вакилининг иғвогарлик руҳидаги тамомила асоссиз баёноти Пекиннинг суверен давлатлар ўзаро қандай шартномалар тузиши керагу қандай шартномалар тузмасликлари кераклигини уларга кўрсатиб беришдан иборат буюк давлатчилик муддаоларигагина эмас, балки тарихни сохталаштириш йўли билан Хитой раҳбарларининг қўшни мамлакатларга нисбатан территория даъволарини «асослаб бериш» йўлидаги уринишларига ҳам таянади.

ХХР ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлими вакилининг баёнотидаги Совет территориясига нисбатан ғайри қонуний даъволарни ва Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги муносабатларга аралашиш йўлидаги уринишларни қатъиян рад этиб, СССР ташқи ишлар министрлиги Хитой вакилининг ана шу баёноти ҳар қандай юридик ва амалий асослардан маҳрумдир ва ҳеч қандай аҳамият ёки оқибатларга эга эмас ва эга бўлолмайди, деб таъкидлайди.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

МЎЛ УЗУМ ҲОСИЛИ

СОФИЯ. Болгариядаги агро-саноат комплексларининг меҳнаткашлари узум узиб олишга киришдилар. Республика ана шу қишлоқ хўжалик маҳсулоти билан шуҳрат қозонган. Бу йил узум ҳосилининг айниқса мўл бўлиши кутилмоқда. Кўпгина мамлакатларга шу жумладан Совет Иттифоқига бир неча минг тонна узум жўнатилади.

МАСЪУЛИЯТЛИ БУЮРТМА

БЕРЛИН. Лейпциг яқинидаги Гримма шаҳрида жойлашган химия машинасозлиги комбинати коллективи янги масъулиятли буюртмани бажаришга киришди. Комбинатнинг конструкторлик бюроларида газ ва нефтни бойитадиган станциялар учун пўлат конструкцияларнинг лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Яқин йиллар ичида ГДР мутахассислари Коми АССРда, Қутб доираси ёнида 20 та ана шундай база станциясини қуриб беради.

Гриммадаги корхона маҳсулоти СССРнинг турли иқлим зоналарида ғоят манзур бўлиб қолди. Чунончи, завод ўтган йилнинг охирида Тюмень нефтчиларига нефтни бойитадиган қурилмаларнинг катта бир туркумини жўнатган эди.

ҚИШЛОҚЛАРДА МАҲСУЛОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ

БУДАПЕШТ. Гўшт, сут, парранда, сабзавот ҳамда мевани қайта ишлайдиган ва замонавий, серунум техника билан таъминланган корхона ва цехлар — ҳозирги Венгрия қишлоғининг характерли хусусиятларидан биридир. Бундай корхона ва цехлар саноат марказларидан олисда жойлашган хўжаликларда айниқса кенг ривож топди.

ДАВЛАТ СИФАТ БЕЛГИСИ ТАСДИҚЛАНДИ

ГАВАНА. Куба Министрлар Советининг ижроия комитети давлат Сифат белгисини тасдиқлади. Махсус комиссиянинг қарорларига мувофиқ давлат Сифат белгиси билан республика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ўз сифати жиҳатидан жаҳондаги энг яхши намуналардан қолишмаган тақдирдагина бериладиган бўлади.

Нормалаш давлат комитетининг раиси Рамон Дариас матбуот конференциясида қуйидагиларни маълум қилди: ҳозирги вақтда миллий маҳсулотнинг қариб 20 турига шундай белги бериш тўғрисидаги масала ўрганилмоқда. Мамлакат экспортининг асосий маҳсулоти бўлган қанд-шакар, Хосе Марти номидаги металлургия заводи маҳсулотининг айрим турлари, тамакининг баъзи турлари, манго ва грейпфрут шарбатлари ва ниҳоят кубаликларга ғоят манзур бўлаётган «Экскамбрай» пишлоғи, «Копплея» мороженоеси, пивонинг бир қанча навлари ана шундай маҳсулотлар жумласидандир.

(ТАСС, 12 август).

НЕЙТРОН ҚУРОЛГА ЎРИН ЙЎҚ!

Жаҳонда Америка маъмуриятининг ялпи қирғин қуролининг энг муҳими ва энг ваҳшиёна тури — нейтрон бомбани кенг кўламда ишлаб чиқара бошлаш тўғрисидаги қарорига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдириш кампанияси кучайиб боряпти.

◆ ВЕНА. Дания бош министри А. Иоргенсен ана шу қарорни қоралади. У Австрия АПА агентлигининг мухбири билан суҳбатда бундай деди: Рейганнинг қарори Шарқ билан Ғарб ўртасида қуролсизланиш юзасидан олиб бориладиган музокараларда катта ғовларни вужудга келтиради, ваҳоланки, бундай музокаралар муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, ана шу қарор умуман музокараларга ҳалақит бериши мумкин. Дания, деб таъкидлади А. Поргенсен, гарчи НАТОнинг аъзоси бўлса ҳам, ядро қуролини ўз территориясида жойлаштиришдан воз кечади.

◆ ОСЛО. Норвегия Ишчи партиясининг парламент бошқармаси баёнот тарқатди. Баёнотда, жумладан, бундай дейилади: АҚШнинг нейтрон қурол ишлаб чиқариш тўғрисидаги қарори муносабати билан партия ғоят ташвишланаётганлигини ва бу қарор Европада ядро қуроли тўғрисида олиб бориладиган музокараларни мушкуллаштириши мумкин эканлигидан хавфсираётганлигини билдиради. Партия ана шу музокараларга жуда муҳим аҳамият беради. Баёнотда Норвегиянинг ҳукмрон ишчи партияси Европа шимолида ядросиз зонани вужудга келтириш соҳасидаги фаолиятини давом эттиришга тайёр эканлиги ҳам изҳор қилинган. Европа шимолида ядросиз зонани вужудга келтириш ғояси Норвегияда кенг қўллаб-қувватланмоқда.

◆ БРЮССЕЛЬ. Нидерландия ташқи ишлар министрлигининг вакили жумладан, қуйидагиларни хабар қилди: мамлакатим ҳукумати мамлакат территориясида нейтрон қуролни жойлаштиришдан воз кечганлигини бир неча бор билдирди.

◆ ТОКИО. Хиросима ва Нагасаки атом бомбардимонлари қурбонлари ташкилотларининг умум Япония федерацияси баёнотида бундай дейилади: «Рейган соғлом ақлга тамомила зид иш кўрмоқда. Унинг ишлари Қўшма Штатлар ядро урушига актив тайёргарликни кучайтираётганлигини тасдиқлайди».

Японня социалистик партияси марказий ижроия комитети халқаро бюросининг мудири Т. Каваками шу гапларни айтди: Япония социалистик партияси президент Рейганнинг нейтрон портловчи қалпоқлар ишлаб чиқара бошлаш тўғрисидаги қарорини қоралайди ва АҚШ ҳукуматининг ҳарбий экспансиячилик сиёсатига кескин равишда қарши чиқади.

◆ ЛОНДОН. Лейборист депутатлардан бир группаси ёзги каникулга чиққан парламентнинг ишини дарҳол тиклашни талаб этди. Улар бош министр М. Тэтчер номига юборилган мактубда Америка маъмуриятининг қарори тўғрисидаги масала юзасидан дарҳол муноза ралар бошлаш зарурлигини таъкидлайдилар. Парламент аъзолари уқтириб ўтганидек, Вашингтоннинг ҳатти-ҳаракатлари халқлар осойишталигини катта хавф остида қолдиради.

◆ КАРАКАС. Тинчликни ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Венесуэла кенгаши АҚШ президентининг фармойишини «Инсониятга қарши жиноят», «Планетада тинчликни хавф остида қолдирувчи мудҳиш таҳдид» деб атади. Кенгаш тинчликсевар кучларни ялпи қирғин қуролининг энг ваҳшиёна турини ишлаб чиқаришга йўл қўймаслик учун ҳамма чораларни кўришга чақирди.

◆ НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош секретарининг махсус вакили қуйидагиларни эслатиб ўтди: К. Вальдхайм «чекланган» ядро можаросининг оқибатлари мақбул бўлиши мумкин деган тасаввурлар хавф туғдираётганлигини бир неча бор айтди. Вакил Бош секретарининг БМТ фаолияти тўғрисидаги докладига асосланди. Бу докладда қурол аслаҳаханоларини сифат ёки миқдор жиҳатидан кўпайтириш эмас, балки қуролсизланиш халқлар хавфсизлигини чинакам мустаҳкамлашга йўл очиб беради, деб уқтириб ўтилади.

КАМПУЧИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Кампучия халқи миллий экономикани қайта тиклаш давомида саноат корхоналарини қайта қуришга биринчи даражали аҳамият бермоқда. Қонли Пол Пот тузуми агдарилгандан кейин ўтган давр ичида мамлакат меҳнаткашлари Кампучия Халқ-революцион кенгаши раҳбарлигида саноат негизларини яратишга муваффақ бўлдилар. Суратда: Пномпень шаҳрида қайта тикланган енгил саноат фабрикаларидан бири.

ВИА—ТАСС фотоси.

Она-Ватан бўйлаб



ИНГУРСК электростанцияси 2 миллиард 855 миллион киловатт-соат электр қувватн ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Сўнгги — бешинчи турбина ишга туширилгандан буён агрегатлар 8,5 миллиард киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқарди. Ҳозир қурувчилар тўғон қурилишини давом эттиришяпти. Унинг баландлиги 271,5 метрга етиши керак. Суратда: тўғон манзараси.

◆ ОРЖОНИКИДЗЕ

МПУ-1 маркали универсал мева терадиган комбайн мева ҳосилини йиғиштириб олишни механизациялашда ёрдам беради. Уни Горск қишлоқ хўжалик институтининг олимлари билан молдавиялик конструкторлар ясадилар. Ўзи юрадиган бундай машиналар Шимолий Осетиянинг ихтисослаштирилган хўжаликлари боғларида етилган эртаги олма, нок, ўрик, олхўри меваларини йиғишлади. Мева навбадан вибрация методи билан узиб олинади. Агрегат серунум, пухта бўлиб, ишлатилиши осондир. Уни атиги уч киши бошқаради. Боғларга аталган бундай комбайнлар Кишиневдаги корхоналарда кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

◆ ФРУНЗЕ

Қирғизистон давлат университети **об-ҳаво хизмати учун мутахассислар** тайёрлаб чиқаради. Бу ерда метеорологларнинг ихтисослаштирилган бўлими очилди. Шу ўқув йилида республикадаги ўнта олий мактаб ўрта мактабларни битириб келган 20 минга яқин ўқувчини ўз қучоғига олади. Улар 89 касб-кор сирларини ўргана бошлайдилар.

◆ ОЛМА-ОТА

Бугун «Қозоқфильм» студияси **янги жойга кўчиб ўтди.** Суратга олиш павильонлари ва репетиция заллари, маъмурий ва маданий-маиший бинолар олмазор орасида жойлашган. Студияни Гипрокино институтининг (Москва) архитекторлари лойиҳаладилар.

(ТАСС).



ТУРКМАНИСТОН ССР Фанлар академиясига қарашли «Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида табиий энергиядан фойдаланиш проблемалари ҳал қилинмоқда. Бирлашма олимлари томонидан сув ўтларини қўлайтириш қурилмалари яратилаяпти. Суратда: ана шундай қурилманинг кўриниши.

ТАСС фотохроникаси.

ҲАЁТИЙ ЛАВҲАЛАР

БИР БУРДА НОН

Уруш тугаган бўлса ҳам хонадонларда унинг асорати қолганди. Умр йўлдошидан ажралган Муборак холанинг турмуши анча оғирлашди. Балоғат ёшига етмаган икки қизи ва олти ёшли Анвар билан қора уйда ўзи қолди. Фаррошликка ишга кирди. Она ҳар тонгда сандал устидаги сирн кўчиб, қорайиб кетган думалоқ патнисга бир сиқим баргак, бир сиқим туршак ташларди-да. «Бахам кўринглар, болаларим, қаноатли бўлинглар» дея заводга йўл оларди.

— Нон беринг, — деди Анвар бир куни ич-ичига ботиб кетган кўзларини жовдиратиб.

Онанинг бағри эзилди. Ҳар қанча ўзини босмасин, кўзларига ёш қалқиди.

— Нон йўқ, болам. Ана, туршак есанг ҳам қорнинг тўяди, ҳозир опанг жиддининг пўстлоғидан чой дамлаб беради. — деди у меҳрибонлик билан ўглининг бошини силаб.

— Нон. — деди Анвар, ингичка қўллари билан онасининг этагига ёпишганча.

Она ўзини қўярга жой тополмасди. Бор вужуди-да урушни қарғади. Шитоб билан қўшнисиникига чиқиб, бир товокда кепак билан қайтди. Ҳеч қанча ўтмай, болалар олдида қотирма нон пайдо бўлди. Умрнинг бир куни ўтди. Кейин онага заводдан қоғоз билан нон берадиган бўлишди. Оч уйда қатиқ ивимас, деганлари рост экан. Ичи намиққан, биттагина булка олага урвоқ ҳам бўлмас эди. Она емай едирса ҳам болалар ялансиб туришарди.

Бир куни у Анварнинг қўлига пул бериб гузарга чиқарди.

— Тоғанг келар эканлар, — иккитагина нон олиб келгин.

Анвар гузардан келгунча шапаракдек иккита нонинг биттасини еб қўйди.

Она бироз ранжиди. Лекин ўглини урушмади. Битта нон билан меҳмон кузатди.

Бошқа бир куни Анварни стаклаб ишхонасига йўл олди. Нон дўкон олдида одам кўп ва тўполон эди. Кимдир оломон ичидан сочлари ёйилиб, ивирсиб чиқди. У устида кичкина бурдаси билан икки буханка нонни маҳкам бағрига босиб олган эди.

Анвар беихтиёр нонинг кичкина бурдасини сўради.

Она ҳижолат бўлиб «ҳозир ўзимиз оламиз, сабр қил, болам» деб ўглига тасалли берди. Ўзининг ичидан алланима узилиб кетгандек бўлди. Аёл болага бир бурда нонни узатди.

— Қўйинг, холажон, бола-да, — нимани билади, деб Анварни оқлади.

Анвар нонни ер экан, уятли иш қилиб қўйганини тушунди. Шу-шу биров олиб кетаётган нонга мўлтираб қараса ҳам бошқа сўрамайдиган бўлди.

У кунлар ўтиб кетди. Ҳамма оилалардаги каби Анварлар дастурхонида ҳам нон турлари кўпайди. Хоҳласа ёпган нон, хоҳласа булка, батон... Кейин у нон ташвишини бутунлай унутди. Шу орада она ҳам кексайди, сочлари оқариб, мадорсизланди. Сўнгра ҳаёт билан видолашди.

Энди она ишлаган завод ёнидаги ўша пастқам кичкина дўконга Анвар ҳар куни нон ташийди. Яшчикларга чиройли қилиб жойлаштирилган буханкаларни пештахтага авайлаб қўяр экан, болалигидан унга қадрдон бўлиб қолган дўконча иссиқ ва юмшоқ нон иси билан тўлиб кетганидан кўнгли яйрайди. Лекин ўша оломон ичидан ивирсиб чиққан, қўлига бир бурда нон тутқазган аёл ва андишали, ўта меҳрибон онасининг сўлғин сиймоси унинг кўз ўнгидан нари кетмайди.

КЕЛИН ТУШГАН УЙГА ЎХШАБДИ

Бу ҳовлида уч кунгача одам тинмади. Қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар елиб-югуриб хизмат қилишди. Карнай-сурнайлар садоси, хонандаларнинг ромбахш қўшиқларига уланиб кетди. Базм серфайз бўлди. Меҳмонлар келин-куёвни яхши ниятлар билан уйга кузатиб тарқалишди. Орадан ҳеч қанча ўтмади. Катта орзу-ҳавас, не-не умидлар билан келин туширган Қумри ҳоланинг пешонасидаги ажинлар қуюқлашди. Кўча эшигини яна ўзи супурадиган, эрта туриб ўглига нонушта тайёрлайдиган бўлиб қолди. Тез орада ўгли Равшаннинг ҳам ранги таг-тагидан саргайди.

— Ойижон, сизга ачинаман, — деди у бир куни оғир хўрсиниб, Озмунча пул сарфлаб уйлантирмадингиз. Роҳат кўраман деганингизда...

— Болам, ҳафа бўлма, ўзига келиб қолар. Ёш-да. Ўрганиб кетади. Маҳалладаги тенгдошларини кўриб йўлга тушади. Ҳамма гап тилида. Тилини тузатса яна ҳаммаси жойида бўлади. Майли, сабр қилайлик.

Она бола сабр қилишди. Келининг тили ўзгармади. Меҳмон келса ўўшаладиган, икки гапнинг бирида қайнонасини жеркийдиган бўлиб қолди. Ўгил чидолмади.

— Онажон етар энди. Сабрнинг ҳам таги бордир.

— Болам, уйланиш осонмас. Маҳалла-кўй олдида қандай бош кўтариб юрасан. Бошингда отанг бўлса ҳам майли эди.

Ўгил кўнмади. Бир куни эрта тонгда устига брезент ёпган машина анча юк билан келган изига қайтди. Ун сингиллашди. Она ўглига ачиниб йиглади. Ўгил онасидан изтиробини яшириш учун аламини ичига ютди.

Кунлар кетидан кунлар, йиллар кетидан йиллар ўтди. Яна ўша дарвоза олдида карнай-сурнай овози янгради. Одамлар олдинги тўйдагидан кам йиғилмади. Келин-куёв шаънига илиқ сўзлар айтилиб, қадаҳлар кўтарилди. Она дилида дам шодлик, дам ҳавотирли ҳаяжон туйғулари ўйнарди.

Кейинчалик бу қўрқувлар ўринсиз, ҳаяжонлар беқорлигига ишонч ҳосил қилди. Она ҳар куни эрта тураркан, ҳовлини чиннидек супурилган, дарвоза олдига сувлар сепилган ҳолда кўрарди. Келини уни ҳамиша салом билан қарши оларди. «Келин эмас, жон роҳати — хаёлидан ўтказди она—фарзандимдек аъло».

У келинини ишга меҳр билан кузатиб, меҳр билан кутиб оладиган бўлди. Ўглининг чеҳраси ҳам ҳамиша очиқ. Уйидан яна меҳмон аримасди. Рўзғорга файз, барака кирди.

Қўшнилар онани йўқлаб келишадиган, ўзларига хушрўйлик билан пешвоз чиққан келинга ҳавас қилишадиган бўлиб қолишди.

— Эгачи, — деди бир куни қўшни кампир, онага, — келнингиз барака топадиган-да. Ҳовлингиз ёғ тушса ялагундек-а, айланай.

— Нимасини айтасиз. Жуда ёлчидим. Уйим энди келин тушган уйга ўхшади, — деди она мамнунлик билан.

Сандвали ҲАСАНОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи базасидаги

176-ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Агар Сиз 8—10 синфни тамомлаган бўлсангиз, қуйидаги ихтисосликлардан бирини танлаб ўқишингиз мумкин: АВТОСЛЕСАРЬ (электр пайвандчилик касби билан). Ўқишни тамомлагандан сўнг автомобиль ҳайдовчиси гувоҳномаси берилади. **Ўқиш муддати—3 йил.** Ўқишга кирганлар ётоқхона билан таъминланмайдилар; **бир йил муддатли ўқиш группаларига электрик, универсал-фрезерчи, электр кўприкли кранларнинг машинистлари** (қизлар қабул қилинадилар). Стипендия тўланади: **универсал-токарь, синовчи-тракторчи** (механика-йигув ишлари бўйича слесарь касби билан). Ўқишни тамомлагандан сўнг автомобиль ҳайдовчиси гувоҳномаси берилади. **Ўқиш муддати — 1 ва 3 йил; электр пайвандчи (15,5 ёш), саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь-механик, техника контроли бўлими контролери** (17,5 ёшдаги қизлар), **автослесарь** (электр пайвандчилик касби билан). Ўқишни тамомлагандан сўнг ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади). **Ўқиш муддати — 3 йил; силлиқловчи** (17,5 ёш). Стипендия тўланади; **пресслаш ускунаси оператори** (17 ёш), **прессчи.** Стипендия тўланади; **электр пайвандчи** (17,5 ёш), **дурадгор, қурувчи-бўёқчи** (15,5 ёш).

Ўқиш муддати — 1 йил.

Ўқишни тамомлаганлар ўрта маълумот тўғрисида диплом ҳамда касб эгаллаганликлари тўғрисида ҳужжат оладилар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқишга кирганларнинг ҳаммаси уч маҳал бепул овқат, кийим-кечак, махсус кийим билан таъминланадилар, зарурларга секция типидаги ётоқхонадан жой берилади.

Ўқиш даврида ишлаб чиқариш практикасида топган иш ҳақининг бир қисми тўланади.

Билим юртида жиҳозланган ўқув кабинетлари, устаҳоналар, стадион, спорт зали, сузиш ҳавзаси мавжуд. Шунингдек эстрада, духовой ва миллий ансамбллар ишлаб турибди. Езги каникул даврида дам олиш учун Чорвоқ сув омбори районида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, автобиография, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги шаҳодатнома ёки аттестат; отаси ёки онасининг иш жойидан, турар жойидан, медицина (286-форма) справкалари; 6 та фотосурат (3х4 см, ҳажмда), характеристика.

АРИЗАЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: 700177, Тошкент шаҳри, 1-«Ташавтомаш» массиви, (1 «а», 16, 24-автобуслар, шунингдек районлараро Чирчиқ шаҳри томон қатнайдиган автобуслларнинг сўнгги бекати: 13-трамвайнинг «ТТЗ» бекати, «Яланғоч» темир йўл станцияси).

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

МАЙДОНДА ФАҚАТ КОЛХОЗЧИЛАР

Ниҳоят спартакиаданинг тантанали ёпилиш маросими ҳам етиб келди. Байроқни тушириш шарафига мусобақаларда энг яхши натижа кўрсатган, СССР спорт мастерлигига номзод, шашка бўйича область чемпиони Перне Фармонов муяссар бўлди.

Байроқ колхоз стадиони узра 20 кун хилпираб турди. Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозининг II анъанавий спартакиадаси давомида колхоз аъзолари иш вақти тугагач, дала ва фермалардан тўғри стадионга йўл олдилар. Хўжалик участкалари ва ишлаб чиқариш тармоқларининг 7 командаси аъзолари спортнинг волейбол, футбол, стол тенниси, ГТО кўпкураши, шахмат ва шашка турлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

— Гарчи колхозимиз спартакиадасида юқори кўрсаткичлар қайд этилмаган бўлса-да, унинг умумий ишга кўшган ҳиссаси катта бўлди. Пахтакор ва чорвадорларимиз ўз соғлиқларини мустаҳкамладилар, ишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишди. Шунинг ўзи биз учун энг юқори спорт кўрсаткичидир, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Жамшид Файзуллаев.

Колхозчилар ўртасида физкультура ва спортга қизиқиш тобора ортиб бораётир. Агар ўтган йили бўлиб ўтган спартакиадада 75 колхозчи иштирок этган бўлса, бу сафар уларнинг сони 200 нафарга етди. Умумкоманда ҳисобида хўжалик трактор парки командаси биринчи, колхоз қурувчилари иккинчи, маъмурий хўжалик бўлими спортчилари учинчи ўринни эгалладилар. Ғолибларга колхоз правленнеси ва партия ташкилоти таъсис этган махсус мукофотлар топширилди.

Мусобақаларда энг юқори натижа кўрсатган спортчилардан колхоз терма командалари тузилди. Масалан, хўжалик футбол командасига Ленин номли ва «Ленинский путь» участкаларидан тўрттадан спортчи қабул қилинди. Янги ташкил қилинган команда шу кунларда район мусобақаларида иштирок этаётир.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

ИККИ ПЕШҚАДАМ

Футбол бўйича мамлакат чемпионатининг иккинчи лига командалари ўртасидаги навбатдаги тур ўйинларида турнир жадвалида пешқадамлик қилаётган республикамизнинг икки командаси муваффақиятли қатнашди. Фарғонанинг «Нефтянник» командаси Кўрғонтепада маҳаллий «Пахтакор» командаси билан учрашиб, 1:0 ҳисобида ғалабага эришди. Самарқандининг «Динамо» коллективи эса Нукусда «Амударё» футболчилари билан беллашиб, 2:1 ҳисобида устун келди. Шундай қилиб бу икки команда 41 очко билан учинчи ўринда келаётган «Янгиер» командасидан 8 очкога илгарилаб кетди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Янгиер» — «Хўжанд» (Ленинобод) — 0:0; «Хива» — «Автомобилист» (Термез) — 2:1; «Ёшлик» (Тўрақўрғон) — «Семетей» (Фрунзе) — 6:0; «Наримоновец» — «Старт» — 1:1; «Пахтачи» — «Соҳибкор» —3:1.

СТАРТДА — КЎПКУРАШЧИЛАР

Яқинда Каунас шаҳрида нисҳоясига етган денгиз кўпкураши бўйича СССР чемпионатида республикамиз спортчилари муваффақиятли қатнашдилар. 400 метрга эркин усулда сузишда вакилларимизга тенг келадиганлар топилмади. Ўзбекистонлик В. Полнестов эса шахсий ҳисобда иккинчи ўринни эгаллади. Кўп ўтмай Г. Машченко 1500 метрга югуришда 4.05,8 минут натижа кўрсатиб, у ҳам фахрий шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Кичик калибрли милтиқдан отишда, байдарка ва каноэ ҳайдашда ҳам ўзбекистонликлар кучли беш команда сафига кирдилар Мусобақа якунларига кўра республикамизнинг уч спортчиси — Г. Машченко, Н. Афонин, М. Шарипов СССР терма командаси сафига қабул қилинди.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

штамповкачилар, стерженловчилар, қолип машинада қолипловчилар, қуйма зиҳни туширувчилар, металл қирқузчилар, ремонтчи-слесарлар, асбобсозлар, йигувчилар, токарлар, электрокар ҳайдовчилар. Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар,

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг «ПРООМСТРОЙКОМПЛЕКТ» ишлаб чиқариш-комплектлаш бошқармасига

бетончилар, қолипчилар, арматурачилар, дурадгорлар, бўёқчилар, электр монтёрлар, электр монтажчилар, электр-газ пайвандчилар, токарлар, слесарлар, транспортда юк ортувчилар, гишт терувчилар, гальванчилар, бульдозерчилар, экскаваторчилар, автопогрузчик ҳайдовчилар, мотористлар, кўприкли ва ўрмалаб юрувчи кранларни бошқарувчилар, қозон ва насос станцияларнинг машинистлари, темирчилар. Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ТОШКЕНТ АБРАЗИВ КОМБИНАТИГА

қолипчилар, токарлар, чарх тош ўрнатувчилар, ремонтчи-слесарлар, сантехниклар; электромонтёрлар, абразив материалларни пресслаб берувчилар, абразив материалларни эловчилар. Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Справкалар ва ишга йўлланмалар олиш учун қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

Марказий пункт—Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти—Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
Октябрь район пункти—У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти—2 квартал, 3-уй.
Ҳамза район пункти—М. Хасанова кўчаси, 3-уй.
Фрунзе район пункти—Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
Куйбишев район пункти—К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти—Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. Раҳимов район пункти—Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. Икромов район пункти—22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти—райисполком, Совет Армияси майдони.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДА

МАРОҚЛИ УЧРАШУВЛАР

«Қибрай» спорт комплексида «Пахтакор» командаси аъзолари билан Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг «Гулдаста» халқ ансамбли ва «Гулшан» бадиий ҳаваскорлик тўгараги иштирокчиларининг учрашуви бўлиб ўтди. Тўгарак қатнашчилари О. Любашина, С. Погосова, М. Муҳамедов, П. Мурашкиналарнинг ижро этган куй ва қўшиқлари футболчилар томониден қизғин кутиб олинди.

Шунингдек, пахтакорчилар Ленин номли колхозининг республикада хизмат кўрсатган агроном, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий академиги З. Фахриддинов бошлиқ лимонарийсига меҳмон бўлиб келдилар. Футболчилар лимонарийда олиб борилаётган ишлар билан танишишди. Лаборатория ва лимонарий музейини кўздан кечиришди.

Учрашув сўнгида команда бош тренери И. Секич цитрусчиларнинг ишларига муваффақиятлар тилаб, уларга команда аъзоларининг дастхатлари ёзилган тўпни совға қилиб топширди.

ЯНГИ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

«Маданият» колхозида 100 абонементга мўлжалланган телефон станцияси фойдаланишга топширилди. Бу билан колхозлараро бригадаларнинг дала шийпонларини, чорвачилик фермеси ва бошқа объектлар билан тез алоқа ўрнатиш имконияти вужудга келди. Булардан ташқари, келгусида бир катор Улуғ Ватан уруши инвалидларининг хонадонларига ҳам телефон ўрнатиш мўлжалланмоқда.

Қ. ГУЛОМОВ.

«ОҚ ТАНЛИЛАР»

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри репертуаридан чет эл халқлари ҳаётини акс эттирувчи саҳна асарлари ҳам ўрин олмоқда. Яқинда театр коллективи В. Чичков асари асосида саҳналаштирилган «Оқ танлилар» спектаклининг премьерасини намойиш қилди. Пьесага Мексика афсоналари асос қилиб олинган бўлиб, уни ўзбек тилига Қ. Мирмуҳамедов таржима қилган.

...Парда кўтарилганда жазирама қуёш ҳароратидан ўзини панага олган, ташналикдан, очлиқдан оёқда зўрға турган қора танли ҳиндиларни кўрамиз. Улар ҳудога илтижо қилиб, ёмғир ёғдиришини сўрайдилар. Бироқ кўмкўк самода бир парча ҳам булут кўринмайди.

Шу пайт қабила бошлиғи олий Кохин кириб келади. Ҳамма унга умид билан тикилади. Кохин ҳиндиларга мурожаат қилиб, қабиладаги энг гўзал қизни «оқ танли худога» назира этсагу, бу унга хуш ёқиб зора бизга ёмғир ато этса, дейди.

Қабила қизлари ичида энг соҳибжамоли Магэй бўлиб чиқади. Қабилада олий Кохин ва худога шак келтириш гуноҳ ҳисобланиб, улар учун инсонлар қурбонликка берилади. Магэй ҳам шундай ҳукмга дучор этилади.

Севгилисидан айрилиб қолган Темок айрилиқ азобида қийналса-да Магэйга далда бериб, унинг «оқ танли худони» кўришга муяссар бўлганлигини айтади...

Кунлардан бирида қабила яшаётган ороллда «оқ танлилар», яъни испаниялик рицарлар пайдо бўлишади. Уларни қабила аҳли қучоқ очиб кутиб олади. Мақтанчоқ ва бойлик ортиришга васвасасига тушган Рамиресни улар «худо» деб биладилар. Магэйни энди унга инъом этишади. Очкўз Рамирес ва унинг шериклари қабилага ҳам моддий, ҳам маънавий зулм ўтказадилар. Ўзларининг баднафсликлари оқибатида уларни «худо» деб тан олган қабила аҳлининг газаби қабила жангчилари хоин Шоманни ўлдирадилар ва қалбаки «худо»ларни оролдан ҳайдаб юборадилар. Шу пайт самода чақмоқ чақнаб, момақалдироқ гулдирайди. Анчадан бери ёмғир юзини кўрмаган қабиладошлар бу кунни байрам этадилар...

Спектакль воқеалари замнрида халқлар озодлиги, кишиларнинг ҳалоллиги, муҳаббатнинг ҳар нарсадан улуғворлиги тараннум этилади.

Асарни РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби В. Фридман ва театрнинг ёш режиссёри Ҳ. Қўқоров саҳналаштирдилар.

Саҳна безакларини РСФСРда хизмат кўрсатган рассом А. Тарасов ишлади. Спектаклда Мексика ҳалқ мусиқаларидан кенг фойдаланилган.

Асардаги етакчи ролларни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Г. Жамилова, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати С. Умаров, артистлардан Э. Носиров, Е. Саъдиев, Р. Авазов, Б. Қосимов, Қ. Саъдуллаев, Ж. Зокиров, А. Рафиқов ва бошқалар ижро этишмоқда. Оммавий саҳналарда эса А. Н. Островский номидаги театр ва рассомчилик санъати институтининг бир гуруҳ студентлари қатнашадилар.

З. ТОШМУҲАМЕДОВА.

ТЕАТР КУНДАЛИГИ

СУД ЗАЛИДАН

ДИРЕКТОР ТУШ КЎРСА...

Тушида қўрқкан одамнинг аҳволи қандай бўларди. Борис Васильевич Семушкин ҳам нафаси оғзига тиқилиб уйғонди. Қўлида бир даста пул билан суви доймаб кетган ҳовузда чўкаётган эмиш. «Туш бўлмай ўл, деди у ижирганиб. Сал бўлмаса тинчиб қолай дебман-а». У кўйлагининг тугмаларини очиб бир енгиллашгандек бўлди.

Киши ҳунук тасодиф олдидан ҳаётидаги йирик воқеаларни бир лаҳзада эслар экан. Борис Васильевичнинг тушида оллий ходим И. Д. Разметовнинг нигоҳи пайдо бўлди-ю, ҳаслан суҳбат бошланиб кетди.

— Ўртоқ директор 1979 йилнинг 1 мартида ишдан бўшаган эдим, аммо меҳнат дафтарчамни олиб кетмагандим. Сиз ундан фойдаланибсиз деб эшитдим.

— Ҳа, ҳа,— деди Б. Семушкин.— 1979 йилнинг 1 июлидан бошлаб 1981 йил февралигача сени ишлаган деб ҳисоблаб 1615 сўм 91 тийин пул олдим. Эгилган бошни қилич кесмайди, дейдилар.— айбимни бўйнимга оламан. Бошқа саволинг йўқми?

— Йўқ...

— Сен кимсан,— деди Борис Васильевич нигоҳи тундроқ, кўзлари пирпираб турган йигитга.

— Маданият уйингизнинг собиқ шофери И. Л. Киселев бўламан. Ишдан бўшаганимга қарамай, ўтган йилнинг 3 майидан 1980 йил августигача хор раҳбари лавозимига ҳам тайинланди деб бўйруқ бериб, 520 сўм 51 тийинни чўнтакка урдим. Барака топкур, гиринг демади-ю. Нега сен бевақт чирқиллайсан. Бошқа яна бир неча сенга ўхшаганлар номидан пул олганимга ҳеч ким лом-лим дегани йўқ, бўтам. Ўзингни бос.

И. Киселев ключни ўқталиб, баландроқ кўтарган эди Борис Васильевич нигоҳи ҳалигидек ключни олиб.

— Ўзингни бос, бўтам, ўзингни бос,— деди Борис Васильевич.— Вокаль ва фортепиано ўқитувчиси Г. Н. Цветкова 1980 йилнинг 3 майидан 1980 йил августигача хор раҳбари лавозимига ҳам тайинланди деб бўйруқ бериб, 520 сўм 51 тийинни чўнтакка урдим. Барака топкур, гиринг демади-ю. Нега сен бевақт чирқиллайсан. Бошқа яна бир неча сенга ўхшаганлар номидан пул олганимга ҳеч ким лом-лим дегани йўқ, бўтам. Ўзингни бос.

Борис Васильевич чап бераман деб лойқа ҳовузга тушиб кетди. Ҳайрият туши экан, чўчиб уйғонди... Лекин туши тўғри чиқиб қолди. Бир вақт қараса Т. Содиқов номли маданият уйининг директори суд курсисида ўтирибди. Давлатнинг 3500 сўмдан знёд пулини ўзлаштирганлиги учун Ленин район халқ суди уни 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Л. РАҲМОНОВ.

Редактор Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 03100. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64664. Б. 1693. 11.

Телевидение

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Бадиий фильм. 11.25 — Киносаҳначилар клуби. 12.25 — Концерт. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — «Дружний» пионерлар лагерида байрам. 16.40 — «Шахмат мактаби». 17.10 — Бадиий фильм. 18.20 — Концерт. 18.50 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Озиқ-овқат программаси. «Конкрет ҳал этиш». 19.45 — Концерт. 20.20 — «Санъат усталари». Б. П. Чирков туғилган кунинг 80 йиллигига. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» (Москва) — «Динамо» (Минск). Танаффус пайтида «Дунё воқеалари».

ЎзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Фильм-концерт. 11.45 — Биз қувноқ ва шодон яшаймиз. 12.15 — Бадиий фильм. 13.20—Спорт, спорт, спорт. 18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05—Мультфильм. 18.15 — «Ёшлик». 18.45 — Коммунистлар ҳақида ҳикоялар. 19.00 — Концерт. 19.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати «Пахтакор» — «Динамо» (Тбилиси). Танаффус пайтида «Ахборот». 21.15 — Ахборот. 21.30 — Время. 22.05 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 22.25 — «Романтика» телевизион театри. 23.35 — Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Совет композиторларининг фортепьяно асарлари. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Бадиий фильм. 21.30 — Телефильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/VIII да Рўйхатларда йўқ, 14/VIII да Истеҳком (2 пардали драма).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ЯНГИ ПРОГРАММА. АРЕНАДА МОСКВАЛИКЛАР.